

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Бу эзгу ҳаракатлардан мақсад — аҳолига қўшимча даромад манбаларини яратиш, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш орқали халқ фаровонлигини таъминлаш.

2 бет

ОТА-ОНАЛАР КУНИ

Ҳар ойда бир марта ўтказиладиган кенгайтирилган ота-оналар мажлисида марказ ҳисоботлари эштитиб борилади, ўқув-семинарлар ва суҳбатлар ташкил этилади.

4 бет

БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Болаларга ёлғиз эмаслигини, ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етаетганини доимо англаштириб туриш учун барча имкониятлардан фойдаланилаётир.

5 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИҶДОНИ

16 (722)

Маҳалла

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 22 апрель. Пайшанба

ISSN 2010-7013

ШХТга аъзо давлатлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича идоралари раҳбарларининг бешинчи мажлиси якунларига доир

АХБОРОТ

Тошкентда 21 апрель кун ШХТга аъзо давлатлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича идоралари раҳбарларининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли идоралари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар ҳудудида ўтган йили содир бўлган йирик фавқулодда ҳодисалар, бундай ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва чиқарилган хулосалар юзасидан

мажлис иштирокчиларининг ахбороти тингланди. Томонлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича ШХТ доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳусусида фикр алмашди.


ШХТга аъзо давлатлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича идоралари раҳбарларининг бешинчи мажлиси якунлари юзасидан протокол имзоланди.

Тадбир иштирокчилари мажлисининг амалий ва ишчанлик руҳида ташкил этгани учун Ўзбекистон томонига самимий миннатдорлик билдирди.

(ЎЗА)

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

Янги қишлоқ чинакам шаҳарчага айланади



Қарши туманининг Хонобод ҳудуди кенг ялангликларидagi бүгунги манзара ўтган қайтганининг эътиборини тортиши табиий. Яқингача бу ерларда на бирорта иморат, на даракт бор эди. Баҳор ойлари ям-яшил бўлиб турадиган, ёзнинг чиласида қуш учса қано-ти қуядиган бу манзилдаги ўзгаришни кўриб кўзига ишонмайди киши: қисқа муддатда қуриб битказилган замонавий тураржойлар шаҳарчани эслатади.

— Хонобода қуриланган уйлاردан ололмай қолдик, — дейди қамашлик Маҳфуза Аҳмедова. — Ҳамма шароити бор, деб мақташаяпти. Бошлангич бадални тўласангиз, у ёғини узоқ муддатли, имтиёзли кредит асосида тўласа бўларкан. Шуниси қулай-да.

— Намунавий лойиҳа асосида зўр уйлар қурилади, имконингиз бўлса олиб қолинг, дейишганида унча ишонқирамаган эдим. Чунки бу ерларни на коммуникация, на бошқа шароити бор чекка жой, деб ўйлагандим, — дейди хонободлик Лотчи Бўриев. — Таваккал қилиб бошлангич бадални тўладим. Қолган қисми «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан бериладиган узоқ муддатли кредит ҳисобидан қопланар экан. Мазкур кредит маблағларининг 15 йил давомида аста-секин, босқичма-босқич тўлаш тартиби эса бизларга берилган катта имтиёз. Тайёр бўлган ҳовли-жойимни кўриб, тўғриси, ўзимнинг ҳам ҳавасим кеда.

Дарҳақиқат, бутун қишлоқларимизда қурилаётган замонавий уй-жойлар мақтанса арзигulik. Девоғлари пишиқ гиштдан, олди очик айвонли, дарвозахонаси кенг. Бир эмас, учта ётоқхона, катта меҳмонхона, барча қўлайликлари мавжуд ошхона, бундан ташқари, ҳаммом, ҳожатхона, иссик ва совуқ сув, хуласа, шаҳардагидек шарт-шароит муҳайё.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

ҲАФТА МАВЗУСИ

Жамғарма республика бошқарувида

Вазирлар Маҳкамасида республикада аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликларига мавжуд силр ва таналарни сунъий урувлантириш тизимини янада такомиллаштиришга бағишланган мажлис бўлиб ўтган эди. «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида шу масала муҳокама қилинди. Жорий йилда чорвачиликни янада ривожлантириш, аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва моллари сонини кўпайтириш, уларнинг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ишларига яқиндан қўмаклашиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан амалга ошириладиган ишлар юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ҳар бир вилоят ва туманда тузилади-

ган ишчи гуруҳлари таркибига қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари кириштилади ва уларга аниқ вазифалар юклатилади. Аҳоли пунктларида ва мол бозорларида сунъий урувлантиришнинг аҳамияти ёритилган паннолар ўрнатиш, тарғибот ишларига маҳалла фаолларини кенг жалб этиш ишлари йўлга қўйилади.

Йиғилишда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини жойларда кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Раёсат қарори ва ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига биноан барча ҳудудларда байрамни ташкил қилиш, ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузишга келишиб олинди. Ишчи гуруҳларга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ёлғиз, кекса, ногирон, боқувчисини йўқотган ҳамда ётиб

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган изили ислохотлар самарасида илгор техника ва технологиялар билан жиҳозланган замонавий корхоналар сони тобора ортмоқда.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида иш бошлаган «Billur teks» масъулияти чекланган жамияти улардан бири. Бу ерда ўндан ортиқ моделдаги болалар ва катталар кийимлари ишлаб чиқаришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мо-

лиявий кўмагида ташкил этилган мазкур корхона энг замонавий техника ва технология билан жиҳозлангани юксак иш унумдорлиги, маҳсулотнинг юқори сифати, рақобатбардорлиги ва харидоргирилигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Асосан буюртма бўйича ишлаймиз, — дейди «Billur teks» масъулияти чекланган жамияти директори Даврон Махситов. — Бу тайёрланган маҳсулот омиборхонада тўпланиб қолишининг олдини олади. Айни кунларда ишлаб чиқарилаётган бежирим либослар Россия ва

Туркияга экспорт қилинади.

Юз фойз маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаётган мазкур корхонанинг ишга тушиши билан етмиш нафарга яқин киши доимий иш ва даромадга эга бўлди. Уларнинг аксарияти ёшлар. Мастура Қўчқорова — улардан бири.

— Уйимизга яқин жойда очилган ушбу корхонага ишга кирганимдан хурсандман, — дейди Мастура. — Бу ерда касб-хунар коллежида эгалаган билим ва малакам, бигиш-тиқишга бўлган қизиқишим янада ортди. Самарали меҳнат қилиш, дам олиш учун барча

шарт-шароит яратилган. Ишга келиб-кет-шимиз учун махсус транспорт ажратилган.

Ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошириш, маҳсулот турларини доимий янгилаб бориш борасида изланиш олиб бораётган корхона раҳбарларининг айтишича, яқинда пахтадан ип-калава ишлаб чиқариш, бўйш билан боғиқ бошқа цехлар ҳам ишга туширилади. Бошқача айтганда яна ўнлаб янги иш ўринлари яратилади.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Ердан оқилонга фойдаланиш ҳисобига

миллион-миллион сўм даромад орттирса бўлади, дейди желли-ғуллиликлар

«ЖЕЛЛИ-ГУЛЛИ» маҳалласи Самарқанд тарафдан Жиззах шахрига қириб келаётган катта йўлнинг икки четига жойлашган. Табиати гўзал, ҳавоси тоза, ер майдонининг катта қисми тоғ ва тоғёнбағирларидан иборат.

— «Желли-Гулли» Жиззах шахридаги энг катта фуқаролар йиғини,

ер майдони 4320 гектарни ташкил этади. 544 та хонадонда бугун 6800 нафардан зиёд аҳоли фаровон ҳаёт кечириб келмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Меҳри Мусинова.


Иқлимнинг мўътадиллиги, ерининг унумдор ва оқар сувнинг мўллиги бу ерда деҳқончилик билан шугулла-ниш, томорқадан яхшигина ҳосил олиш имконини яратган. Шу боис, ердан яхши даромад олишга интилаётганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Маҳалла аҳли 8 гектар томорқа ерида йигирмадан ортиқ турдаги сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини етишти-ради. Айниқса, бовдорчилик ва узум-чилик борасида орттирилган тажриба айни чорда кенг оммалаштирилаётир.

Йиғин ҳудудида 85 та фермер, 4 та деҳқон хўжалиги ва 7 та ташкилот мавжуд. Шу ҳисобдан аҳоли тўлиқ иш билан таъминланган. 870 гектар экин майдонига эга бўлган «Жиззах» агрофирмасида ҳар хил манзарали гул ва даракт кўчатлари ўстирилади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шу ернинг ўзида қайта ишланиб, чет мамлакатларга ҳам экспорт қилинади. Фирма-нинг мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларига Жиззах бозорининг ўзида талаб катта.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ИНШООТЛАРИ

Бу даргоҳда чемпионлар тайёрланади



Юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш ҳамда болалар спортни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштиришга берилаётган эътибор натижасида ўтган йиллари кенг қамровли ислохотлар амалга ошириди. Жойларда бири-биридан кўркам спорт иншоотлари қурилиб, замонавий жиҳозлар билан тўлдирилди. 2003-2009 йиллар оралиғида юртимиздаги 674 та умумтаълим мактаблари ўз спорт залларига эга бўлди. Бу яқин ўн йилда мамлакатимиздаги шунча мактабдан Ватан шухратини қўққиларга олиб чиқадиغان ўнлаб чемпионлар камолга етишиши учун замин ҳозирланди, деганидир. Ёшларни жамиятнинг фаол, ташаббускор ва соғлом фикрли вакиллари этиб тарбиялаш — бугунги куннинг устувор вазифаси. Шу жиҳатдан, ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш орқали юксак салоҳиятли баркамол авлодни тарбиялашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Албатта, белгиланган натижаларга эришишнинг энг ишончли воситаси бу — замонавий спорт иншоотларида.

СПОРТ ВА ХАЛҚАРО ҲАЁТ > [7]

Ташаббус ҳар доим рағбатда



**Гулчехра БОБОЖОНОВА,
«Маҳалла» жамғармаси вилоят
бўлими бошқаруви бош мутахассиси.**



АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Иш ўрни кўпаймоқда

Сардоба тумани Сирдарё вилоятининг чекка ҳудудларидан. Аҳолисининг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Айтиш керакки, туманда янги иш ўринлари яратиш вилоятнинг бошқа ҳудудларига қараганда бироз мураккаб. Шундай бўлса-да, туман бандликка кўмаклашиш маркази жамоаси бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда иш олиб бормоқда.

— Туманимизда барча ишларнинг ҳамкорликда ҳал этилиши анъанага айланган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлинмаси раиси Алибой Араббоев. — Аҳоли бандлигини таъминлашда тумандаги барча корхона ва идоралар бўш иш ўринлари ҳақида мунтазам равишда ахборот тақдим этишади. Биз бу ахборотни қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларига етказиб, уни тўдириш, бир сўз билан айтганда аҳолининг бандлигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўяёмиз.

— Мен туман маркази ҳисобланган Пахтабод шаҳрача фуқаролар йиғини раиси бўлман, — дея сўхбатга қўшилиди ўзини Асқар Муҳаммадиев деб таништирган киши. — Бутунги кунда шаҳарчамизда

4 та маҳалла мавжуд бўлиб, ҳовли уйларида яшовчи аҳоли бандлигини томорқалардан унумли фойдаланиш орқали таъминлашга ҳам ҳаракат қилаётиз.

Туман маркази ҳисобланган Пахтабод шаҳарчасидаги 146 та икки қаватли уйда жами 1 минг 466 та хонадон жойлашган. Бу хонадонларда яшовчи аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йилда фуқаролар йиғини томонидан самарали ишлар амалга оширилади. Натижада 772 та хонадон томорқа майдонига эга бўлди.

— Туманимизда 6 та қишлоқ, 1 та шаҳарча ва 20 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда, — дея сўзида давом этди Алибой Араббоев. — Биз 5 минг 747 та хонадонда яшовчи аҳолининг бандлигини таъминлашда мавжуд 925 гектар томорқа ерларининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўз вақтида англаб едик. Томорқалар тўғрисида туман бўйича жами 245 нафар аҳоли доимий иш билан таъминланди. Қувонарлиси, уларнинг томорқадан оладиган даромади 600-700 минг сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, белгиланган тартибда бандликка кўмаклашиш маркази, туман прокуратураси, касб-хунар коллежлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида мунтазам равишда меҳнат армаркалари ташкил этишга ҳам жиддий эътибор қаратилган.

— Уттан 2009 йилда туманимизда хотин-қизлар учун 502 та янги иш ўринлари ташкил этилди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Мирзаҳотам Мирсоатов. — Йил давомида жами 2 минг 382 та янги иш ўринининг яратилишида туман тадбиркорларининг ҳам ҳиссаси бор.

Туман бандликка кўмаклашиш маркази, «Маҳалла» жамғармаси Сардоба туман бўлинмаси ҳамда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этиб келинаётир. Ана шу тадбирлар давомида, аввало, аҳолининг қайси соҳага, хунарга бўлган қизиқишлари аниқланиб, нимага эътибор қаратиш лозимлиги чуқур таҳлил қилинмоқда. Бу эса ўз самарасини бераётган. Жумладан, 2009 йилда иш сўраб муружат қилган 1687 нафар фуқаронинг салкам 45 фоизини уй бекалари, қиз-жувонлар ташкил этди.

Бундан ташқари, туманда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачилик билан шуғулланаётган 449 нафар хотин-

Тиббий хизмат яхшиланмоқда

Ҳайитбой Воисев 27 йилдан буён врачлик касбини ардоқлаб келмоқда. У ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли оилавий поликлиника мудири. Бу шифо маскани асосан «Марказий», «Тўқимачи» маҳаллалари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. Маскандан барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳозир бу ерда 25 нафар шифокор, 48 нафар кичик тиббий ходим эл соғлиғи йўлида меҳнат қилмоқда. Худуддаги 13266 нафар аҳоли, жумладан 3728 нафар аёл уларнинг назоратида.

СУРАТДА: қўли енгил шифокор Ҳайитбой Воисев «Марказий» маҳалласи фуқаролари билан саломатлик борасида сўхбатлашмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ суратга олган.

қизининг аризасига кўра, уларга меҳнат дафтарида очилди. Шунингдек, туман ҳудудда жойлашган Пахтабод пахта тозалаш заводи ҳамда паррандачиликка ихтисослашган Бобур номидаги ҳиссдорлик жамияти каби йирик корхоналарда уй меҳнатини жорий қилиш ҳисобига 208 нафар уй бекаси учун иш ўринлари яратилди. Хусусан, Пахтабод пахта тозалаш заводидаги буюртмасига кўра иш ўрнига эга бўлган уй бекалари пахта тоғлари учун ўрма матолар тайёрлаб беришса, паррандачиликка ихтисослашган ҳиссдорлик жамиятида меҳнат қилаётган хотин-қизлар тухумларини очирилган жўжаларни парваришлаш бора-барига, товуқлардан олинган тухумларни корхонага етказиб беришляпти.

Туман бандликка кўмаклашиш марказининг тавсиясига кўра 11 нафар уй бекаси ҳам ўз шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш, маншй хизмат кўрсатиш шохобасини ташкил этиш учун имтиёзли кредитга эга бўлишди. Наврўз байрами арафасида иш бошлаган 6 та ижтимоий-иқтисодий объектларда ҳам хотин-қизлар учун 4 та янги иш ўринлари яратилди.

Тошўлат ҲАЙИТБОЕВ, «Mahalla» мухбири.

БўЛИНМА ФАОЛИЯТИДАН

Масъулиятли вазифалар ижроси

Аҳолининг эҳтиёжманд қатамларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш ҳаёти учун шарт-шароит яратиш бериш бўлинмамизнинг доимий эътиборида. Тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 5 нафарига жамғарма ҳисобидан бир бошдан қорамол ҳада қилинди. Янги оила қураётган кам таъминланган ёшлардан 6 нафарининг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. Шунингдек, тумандаги 5-сонли санъат мактабига таҳсил олаётган 2 нафар ногирон ўқувчини ижтимоий ҳимоялаш ниятида уларнинг ҳисобига 327 минг сўм маблағ ўтказилди. 2009 йил давомида 57 та кам таъминланган оиланинг аризалари ўрганиб чиқилиб, муружатлари ижобий қаноатлантирилди.

Март ва август ойларида ўтказилган анъанавий умумхалқ ҳашарида 30 мингдан ортиқ аҳоли қатнашиб, ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Айтиш жоизки, йил дастури ҳамда жамғарманинг иш режасида белгиланган устувор чора-тадбирларни бажаришда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг иштироки сезиларли бўлди. Маҳалла оқсоқолари, маслаҳатчилар, посбонлар билан биргаликда ҳудуддаги нотинч оилаларни ҳамда диний экстремизмга мойиллиги бўлган фуқароларни доимий назоратга олиш ва улар билан яқка тартибда ишлаш амалиёти мунтазам йўлга қўйилди. Аниқланган муаммоларни ҳал этиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан бирга иш олиб борилаётгани яхши самара бераётган. Жумладан, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан йил якунида 25923 хонадоннинг иш билан бандлиги, саломатлик, маънавий ва моддий аҳволи ўрганиб чиқилиб, ёрдамга муҳтож, деб топилганлардан 216 нафар кишига тиббий, 149 нафарига моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди. Энг муҳими, 650 нафар киши ишга жойлаштирилди.

Қўмакка муҳтож оилаларни аниқлашда маҳалла маслаҳатчиларининг хизмати катта бўлаётган. Улар кунига 8-10 та оиланинг турмуш шароитини ўрганиб, аниқлаган муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан иш олиб боришди. Бундай ҳамкорлик муаммоларни бартараф этишда қўл келаётган. Юртбошимиз жорий йилни Баркамол авлод йили, деб эълон қилди. Бу барчамизни қувонтирди, албатта. Негачи, эртанги кун эгалари бўлиш ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, таъ-

лим-тарбиясига эътиборни қучайтириш, уларнинг пухта билим олишлари учун шарт-шароит яратиш бутуннинг энг долзарб вазифаларидан. Биз ҳам бундай масъулиятли вазифаларни теран англаган ҳолда, ўз ишимизни тўла-тўқис адо этишга киришдик. Ёшларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини теран англаб етишларига кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқий савод-хоналигини ошириш мақсадида ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда барча умумтаълим мактабларида жорий йилнинг февраль ойида «Сиз қонунни биласизми?» номи кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари ўтказилди. Ёшлар танловда фаол қатнашиб, ўз билим ва иқтидорларини намойиш этаётганини кўриб, қалбда улар келажагига ишонч ва умид ҳиссини туясан киши. Ўқув даргоҳларида тахсил олаётган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ниятида маҳаллаларда этиқдўзлик, темирчилик, дурадорлик касб тўғрисидаги фаолият кўрсатаётган. Ўғил-қизлар қизиққан хўнарали бўйича «Устоз — шоғир» анъанаси асосида мураббийларидан сабоқ олишаётган. Шунингдек, маҳаллаларда ташкил этилаётган учрашув, давра сўхбатлари ва бошқа тадбирларга ёши улғу инсонлар, етакчи мутахассисларнинг иштироки, ибратомуз ўғиллари ёшларнинг ҳаётда тўғри йўлни танлашда муҳим оми бўлаётган.

Туманда билиб-билимай диний экстремизмнинг ёт ғоялари таъсирига тушиб қолганларга маънавий кўмак бериляпти. Ўз навбатида, бу борада барча йиғинларда тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётган. Маслаҳатчилар маҳалла фаоллари, имом-хатиблар ташаббуси билан аҳоли, ёшлар, хотин-қизлар ўртасида диний экстремизм оқимининг ғаразли мақсади, мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунтириш ишлари йўлга қўйилди.

Ёшлар эртанги кун ворислари. Улар тақдир, қамол ҳақида ўйлаш, қайғуриш, жон куйдириш ҳаммамизнинг олдимиздаги залворли вазифалардан. Шу боис, бўлинма томонидан жорий йилда тумандаги мавжуд спорт майдончаларини, иншоотларини, мактаб ва боғчаларини қайта таъмирлаш ишларига амалий кўмак беришни режалаштирганмиз. Зеро, хайри ишлар бардавонлиги аҳоли турмуши фаровонлигини яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Азим ЖўРАЕВ,

«Маҳалла» жамғармасининг Янгийўл тумани бўлинмаси бошқаруви раиси.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Эзгу ишлар ҳамжиҳатликда амалга оширилади

ДЕЙДИ Данғара туманидаги «Найманча» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мелиқўзи Билолов

«Найманча» туманимиздаги энг катта қишлоқ фуқаролар йиғинларида» ойри. Бутунги кунда ҳудуддаги 8 та маҳаллада 2600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилиб келаётган. Айтиш керакки, истиқбол йилларида фуқаролар йиғинида ҳаёт ва турмуш тарзини тўғри ўзгартиришга бўлган иштиёқ кучайди, ободончилик ишлари жаддамлашди. Қишда лой, ёзда эса қўм бўладиган 5 километр йўл асфальтланди, 3 километр йўлга шағал ётқизилди. Тадбиркорларимизнинг саяё-ҳаракатлари билан автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчалари, ёғочни қайта ишлаш устаноналари, новвойхоналар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу эса аҳолига хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши билан бирга, кўшимча янги иш ўринлари яратилишига омил бўлди.

Худудимизда 31 та пахта, ғалла, 4 та чорва, 17 та бовдорчилик фермер хўжаликлари бор. Бутунги кунда уларнинг ҳомиёлигида кўлаб хайрли ишлар амалга ошириб келиняпти. Хусусан, Наврўз айёми арафасида «Раҳматулло» маҳалласида истиқомат қилаётган, кам таъминланган оила фарзанди Қобилжон Қодировнинг никоҳ тўйи ўтказиб берилди. Бундан ташқари, меҳнат фахрийлари, яқка-ёғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилди. Фермерларимиз кўмаги билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда кўп ёллаи оилаларнинг уйлари таъмирлангани барчани хурсанд қилди. Шунингдек, яқинда «Катта минглар» маҳалласида фаолият олиб бораётган «Сабо саховати сохиблари» фермер хўжалиги раҳбари Махмудали Абдураҳимов бошчилигида пиру-бадавлат отахонларимиз мириқиб ҳордиқ чиқаришлари

учун маҳалла чойхонаси янгидан таъмирлаб берилди. 1,5 километр йўлга асфальт ётқизилди, 3 километр масофага газ қувурлари тортилди натижасида, аҳолининг газга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Хўжалик шийони олдидаги 2 сотих ерни эгаллаган кўда балик етиштирилади. Уттан йили бир тоннадан зиёд балик хўжалик аъзолари ҳамда маҳалла аҳлига бепул тарқатилади. Аҳоли ихтиёридаги 114 гектар томорқада етиштирилаётган сархил мевалару сабзавотлар қўндалик эҳтиёжларни қондириш билан бирга, фуқароларга яхшигина даромад ҳам келтираётган.

Ер тилини яхши тушунадиган, томорқасининг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланаётган тадбиркор деҳқонларимиз ҳам талайгина. Жумладан, «Жар» маҳалласида яшовчи Юнусали ота Маъмуров уйдаги 6 сотих иссиқхонасида лимон етиштирилади. Ҳозир тинимсиз қилинган меҳнат эвазига отанинг йиллик даромади 5-6 миллионни ташкил этмоқда.

Юртинг тинч, фаровон бўлса, кўзланган барча эзгу ишни амалга ошириш мумкин. Шу боис, ҳамқишлоқларимиз билан ўзаро ҳамжиҳатликда кўлаб хайрли ишларга қўл урганмиз. Яқинда ўтказилган умумхалқ ҳашарида 25 километр ички ариқлар тозаланди. Кўча четларига 22 минг тул турли мевали ва манзарали дархат кўчатлари ўтказилди.

Хуллас, режалаштирган ишларимиз бисёр. Уларни амалга оширишимизда эса фуқароларимизнинг ҳамжиҳатлиги муҳим оми саналади, албатта.

Мелиқўзи БИЛОЛОВ, Данғара тумани «Найманча» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Ҳамкорлик самарадорликни оширади

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Зилола» маҳалласи фаоллари ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар бошқа фуқаролар йиғинларига ўрнак бўлса арзунлики. Негачи, бу ерда барча юмушлар ўзаро кенгашган ҳолда олиб борилади.

— Маҳалламизда 3 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Тўхтаўжа Эшхўжаев. — Уларнинг ҳеч бири ҳудудда амалга оширилаётган хайрли, савобли ишлардан четда эмас. Ҳар бир ходим ўз ишини яхши билиши ва масъулиятни ҳис этиб ишлаётгани боис, самарадорлик бор. Маҳалла маслаҳатчиси Дилором Ниёзова кўпроқ аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшлар онгига миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни тарғибот этиш билан шуғулланса, комиссиялар аъзолари ўз йўналишлари бўйича юклатилган ишларни бажаради. Масъул котиб эса фуқаролардан келаётган ариза ва шикоятларни қайд этиш, уларни ўз вақтида ўрганиб чиқиш каби қатор ишлар билан банд.

Айниқса, бу борада уй ва кўча бошлиқлари олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир. Улар ҳудуддаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари мутасаддилари билан ҳамкорликда, асосан, аҳолидан коммунал тўловларни йиғиш иши билан шуғулланишади.

— Худудда 5 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият кўрсатади, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Дилором Ниёзова. — Ширкат мутасаддилари йиғин фаоллари, айниқса, Малика Бойбуваева, Матлуба Абдурайимова, Лутфинисо Шарипова сингари 13 нафар уй бошлиғи билан ҳамкорликда иш олиб боради. Маҳалламиз оқсоқоли Т.Эшхўжаев уй бошлиғи сифатида ҳам фаолият кўрсатаётган коммунал соҳадаги ишларни анча жон-

лантирди. Улар ширкат вакиллари билан биргаликда ҳар ойда уйма-уй юриб, коммунал тўловларини ўз вақтида тўлаш лозимлиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришаётган. Саяё-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ, маҳалладошлар иссиқ ва совуқ сувга, электр энергиясига, газга фойдаланганига қараб, ўз вақтида тўловларини амалга оширишга одадланишди. Айни пайтда тўловлардан қарздорлар йўқ.

Зилолаликларнинг яна бир тажрибаси шунки, йиғин фаоллари ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтожларни эътиборидан четда қолдиришмайди. Коммунал тўловларни тўлашга бироз қийналаётган, қарздорлиги бор айрим ёғиз қариялар, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг моддий аҳволи махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилиб, уларга 6 ой давомида моддий ёрдам пули ёзилди. Шу тариқа, уларнинг коммунал тўловларидан қарзлари ўз вақтида узиб борилади.

Бу борада, пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Бобур» маҳалласи фаоллари ҳам ўзига хос тажриба тўплашган. Боиси, «Жаҳоннаро гулдаста», «Шокирарик», «Терактор» каби 6 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият кўрсатаётган бу маскандан коммунал тўловлар ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилган.

— Тўловлардан қарздорлиги бор оилалар, дарҳол фаоллар томонидан назоратга олиниб, яқка тартибда тушунтириш ишлари йўлга қўйилди, — дейди йиғин раиси Хурсаной Рўзиназарова. — Фуқароларга фойдаланилган коммунал тўловларини ўз вақтида тўлашининг афзаллиги ҳақида тушунчалар бериб борилади. Энг муҳими, уй бошлиқларимиз ўз вазифасини яхши ўдалайди. Бу лавозимга уй, уй атрофи ободончилиги ва тозаланиши сақлаш вазифаларини бажаришга қодир, маънавий пок, соғлом фикрли, обрў-эътиборли кишилар сай-



ланган. Шу боис, ҳудудда коммунал соҳада олиб борилаётган ислохотлар самарали ташкил этиляпти. Уй бошлиқларининг барчаси белгиланган тартибда уй дафтариини юритишади. Унга кўра, уйнинг атрофида хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, уйнинг ертўласи ва чортоқларининг ёпиқ ҳолатда бўлишини таъминлаш, назоратга олиш ишларини олиб боришади. Бу борада аҳоли ўртасида ҳудуд профилантика инспектори, сардор ва маҳалла посбони билан биргаликда тарғибот-ташвиқот тадбирлари йўлга қўйилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, уй бошлиқлари ҳудудда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида, умумхалқ ҳашарларида ва маънавий-маърифий тадбирларни уюштиришда фаол иштирок этишади. Шунингдек, уйнинг санитария меъёри асосида сақланишини таъминлаш борасида маҳалла фаоллари билан биргаликда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилларида амалий кўмак бериб келинмоқда.

Ўз навбатида, энг фаол уй бошлиқла-

рини шонли саналарга муносиб рағбатлантириш, уларнинг хизматларини эътироф этиш маҳалла фаоллари эътиборида. Бу эса уй бошлиқларининг иш самарадорлигини оширишга, қолаверса, илгор тажрибадорнинг оммалашшига хизмат қилаётган.

— Ушбу масъулиятли вазифани бажариш, аҳоли билан тил топишиш кишидан катта меҳнат, сабр-тоқатни талаб этади, — дейди 42-уй бошлиғи Гулнара Қулиева. — Йиғин фаоллари ташаббуси билан ўзининг ишчанлик қобилиятини кўрсата олган фаол уй бошлиқларининг рағбатлантирилиши қувонарли, албатта. Рағбат ва муқофот ҳар бир ҳодимга ўзгача куч бағишлайди.

Дарҳақиқат, ҳар иккала маҳаллада олиб борилаётган хайрли ишлар, тегишли ташкилотлар билан ўрнатилган ҳамкорлик ва жамоатчилик назорати, ҳамжиҳатлик — бўлаётган бари аҳоли турмуши фаровонлашувига, ҳудуднинг ободонлашувига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Раҳим ШЕРКУЛОВ, «Mahalla» мухбири.

БЕЛЛАШУВ



Қувноқлар ва зукколар

Кеча пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида мамлакатимиздаги академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ҳуқуқий билимларини мустахкамлаш, уларнинг эркин фикрлаш қobiliятли ва нутқ маданиятини ўстириш, шунингдек, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда энг зукко талабаларни аниқлаш, раз-

батлантириш мақсадида ўқувчилар ўртасида «Ҳуқуқ билимдонлари» қувноқлар ва зукколар республика бешлашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур бешлашувнинг ҳудудлараро босқичида Тошкент шахри-

нинг «Баркамол авлод» ва Тошкент вилоятининг «Адолат» жамоалари учта шарт бўйича ўзаро куч синашди.

Бешлашув натижаларига кўра, Тошкент шахрининг «Баркамол авлод» жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Ғолиб жамоа ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мухбиримиз.

МАҲАЛЛАМИЗ ЁШЛАРИ

Ойдин йўлга чиққан қиз

Эндигина ўн олти баҳорни қаршилаган Вероника Володина билан суҳбатта бироз ҳаяжон ва қизиқиш билан ҳозирлик кўрдим. Ҳаяжонининг боиси аён: ҳар гал янги қаҳрамон билан учрашгани чоғланганда шу ҳисни туяман. Қизиқишим боиси эса бошқа ёқда, яъни ўсмир ёшидаги қизинини суҳбатга тортиш ҳарқалай осон кечмас, дея ўйлаётгандим. Дарҳақиқат, биз эртаси обод ва порлоқ жамиятда яшаймиз. Жамиятимизда оила, оналар ва болаларнинг ижтимоий ҳимояси кучли. Айниқса, ёшларга ғамхўрлик нафақат жамиятини олағатли, балки миллат таракқиётини таъминловчи омиа эканини аниқлаган ҳолда иш олиб борилаётганини қувонарлиқ. Шу боис, мустақил Ватанимизда ёш авлод тарбиясида алоҳида эътибор билан қаралади. Ўртабосимиз фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ҳам ёшлар, хусусан, қизлар тарбияси билан боғлиқ тадбирлар силсиласидаги олтин ҳафтадан биридир. Шу мукофот тўғрисида ўйлаб истеъдод соҳибалари кўриб ўтди. Шулардан бири Вероника Володинадир.

Маҳалла аҳли ота-она меҳридан маҳрум болаларга бефарқ эмас. Жилла курса бир калима илик сўзи, самимий муомаласи билан болалар қалбига меҳр шуъласи олиб киришга ҳаракат қилишди.

ласи ҳудудда жойлашган. Табиийки, маҳалла аҳли ота-она меҳридан маҳрум болаларга бефарқ эмас. Жилла курса бир калима илик сўзи, самимий муомаласи билан болалар қалбига меҳр шуъласи олиб киришга ҳаракат қилишди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Мавлонов омон топиб болалар уйи тарбияланувчилари ҳолдан хабар олиб туради.

— Вероника қизимизнинг Давлат мукофотида сазовор бўлиши бизни қувонтирди, — дейди оқсоқол. — Ахир, Меҳрибонлик уйда тарбияланаётган болалар ҳам бизнинг кичик ёшдаги фуқароларимиз, маҳаллаимиз аъзолари-да. Вероника маҳаллаимиз болаларига яхши ўқиб, Ватанини севиш, тўғрақларга қатнашиш, дунёқара-



тини мунтазам кенгайтира бориш қандай ютуқларга олиб келишини намоён этди. Биз у билан ҳақли равишда фахрланамиз! — Азиз Ватаним, муҳтарам Президентимиздан миннатдорман. Президентимиз орзу қилаётган Баркамол авлод сафида бўлишга, Ватанимиз муносиб фарзанди бўлиб етишишга ҳаминча интиламан. Бунинг учун биз ёшлар қадри Ўртабосимиз, мустақил давлатимиз томонидан яратиб берилаётган қулай шароитлардан унумли фойдаланишимиз, зиммаимиздаги бурч ва мажбуриятларни унутмаслигимиз лозим! — дейди В.Володина.

Катта ҳаёт сари дадил одимлаётган Вероника ҳали кўп довлонларни босиб ўтади. Бу довлонларнинг ҳар бири унинг учун хайрли ва омадли бўлмагани тилаб қоламиз.

Тўра ҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон журналистлар
ижодий уюшмаси аъзоси.

ИМКОНΙΑТ

«Малика»нинг маҳаллага совғаси

Анджон шахридаги 5-сон маҳалла аҳолиси шу ҳудудда фаолият юритаётган «Малика» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси жамоасидан ажойиб совғани олди. Қўлгусул қурувчилар ўн ойда замонавий маҳалла гузарини қуриб битказди. Маҳалла гузари мажмуида бозорча, йиғин идораси, милиция таянч пункти, тиббиёт хонаси ва турли фирмаларнинг идоралари жойлашган.

— Маҳаллаимиз шахардаги энг гавжум мавзёлардан, — дейди йиғин раиси Рус-тамбек Аҳмаджонов. — 27 та кўп қаватли уйда 7,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Аммо ҳудудимизда бирорта корхона йўқ эди. Гузар мажмуининг ишга туширилиши тўғрисида 200 нафарга яқин ёшларимиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Бунинг учун биз «Малика» савдо-ишлаб

чиқариш корхонаси ва унинг таъсисчиси Мирзоулўбек Алимовдан миннатдоримиз. Ҳақиқатан ҳам, кираверинида парвозга шайланаётган қумушранг самолёт тасвири акс этган маҳалла гузарини мажмуининг замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш масканига айлантирилди. 2 гектардан кўпроқ майдонини ташкил этган ҳудудда ёшлар маҳалла аҳолиси ва меҳмонлар учун 35 та дўконида савдо ва маиший хизмат, халқ хунарамандчилиги, тил ўрганиш маркази, болалар ўйингоҳи, банк филиали орқали намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

«Малика» Баркамол авлод йилида маҳалла ёшлари учун яна бир ишлаб чиқариш мажмуини совға қилмоқчи. Мирзоулўбек Алимов анджонлик тадбиркорлар билан Хитой Халқ Республикасига борганида мева шарбатлари учун картон

Ишнинг самараси
натижаси билан баҳоланади

Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб вояга етказишда маҳалладаги спорт мажмуалари, стадионларнинг аҳамияти катта. Бугунги кунда аксарият таълим муассасаларида шундай имкониятлар мавжуд. Ҳатто вилоят, туман марказларидан анча олисда жойлашган аҳоли пунктларида ҳам замонавий спорт майдончаларини қуриб, ҳавасингиз келади.

Дарсдан бўш вақтларида ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасида бўлимимиз қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, қишлоқ, маҳаллалардаги спорт майдонларини таъмирлаш, улардан унумли фойдаланишни таъминлаш масалалари доимий эътиборимизда турибди.

Бугунги кунда вилоятдаги маҳаллалар ихтиёрида 40 та замонавий спорт майдончалари мавжуд. Уларнинг аксарияти кейинги 3-4 йил ичида жамғарма ва ҳомийлар маблағлари ҳисобига бунёд этилган. Айримлари қайта реконструкция қилиниб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Айниқса, қишлоқ қизларининг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, спорт иншоотлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, машғулотларга юқори маънавий мураббийлар бириктирилгани ишларимиз қўламини янада кенгайтирди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг тегишли бандларига кўра, мавжуд ҳолатни қайтадан ўрганиб чиқдик. Ўтказилган мониторинг натижасига қараганда, таъмирталаб, фойдаланишга яроқсиз, деб топилган спорт майдончаларини тиклаш учун кетадиган сарф-харажатлар ҳисоблаб қилинди. Ҳозир уларни босқичма-босқич таъмирлаш юзасидан тақлифлар тайёрланмоқда.

Шунингдек, шарт-шароитлари етарли спорт майдончалари фаолиятини янада

жонлантириш мақсадида ҳам белгиланган тартибда иш олиб боришмоқда. Бундай хайрли ишларга маҳалла фаоллари, кексалар, тажрибали спортчилар бириктириб қўйилгани яхши самара бераётир. Янги-қўрғон туманидаги «Газон», «Юмалоқтапа», Пошдаги «Уйғурсой», Чустдаги «Дўстлик» маҳаллаларида намунали ишлар ташкил этилган. Мисол учун, «Дўстлик» маҳалласидаги мўъжазгина болалар спорт майдончасида ёшларнинг жисмонан чиниқиши, турли мусобақалар уюштириш учун барча имкониятлар бор. Фуқаролар йиғини раиси Машрабхон Фўзайлов, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Соҳибхон Охунова, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Файзулло Тожибоевлар бу ерда хотин-қизлар учун волейбол, стол тенниси, ўсмирлар ва болалар учун шахмат-шашка, футбол тўғрақларини ташкил этишган.

Уйчи туманидан номдор шахматчилар кўп чиққан. Хусусан, Қизилроғот қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида спортнинг бу тури кенг оммалашган. Тумандаги спорт коллежи ўқитувчиси Абдусаттор Мусаевнинг сазй-ҳаракати билан фуқаролар йиғини қошида шахмат тўғрисида очилиб, ҳар чоршанбада «Спорт — ота-оналар ҳамкорлиги» шиори остида шахмат-шашка турнирлари ўтказиб келинмоқда.

Тўрақўрғон тумани Ёртепа қишлоғидаги болалар спорт мажмуаси, 10-, 33-, 36-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари реконструкция қилингани уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконини берди. Бундан ташқари, бадий гимнастикага ихтисослашган вилоятдаги ягона болалар ва ўсмирлар спорт мактаби Тўрақўрғон шахрида намунали фаолият олиб бораётир. Ҳозирги кунда бу ерда 248 нафар ўқувчи қизлар бадий гимна-

тика сирларини эгаллашмоқда. Уларнинг аксарияти қишлоқ маҳаллаларидан, ҳатто қўшни туманлардан ҳам келишади.

Вилоятдаги замонавий спорт жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Машҳим» масъулияти чекланган жамияти ҳам бизнинг бу борадаги сазй-ҳаракатларимизнинг доимий кўмакчиси. Жамият кўмағида спорт мажмуалари ва майдончалари арзон ҳамда сифатли спорт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланмоқда.

Ёшларимизни спортга кенг жалб этиш мақсадида ўтган 2009 йилда умумхалқ байрамлари муносабати билан қишлоқларда спортнинг бир неча тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Бундай тадбирларда маҳаллий ҳокимликлар, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари яқиндан кўмак беришаётир. «Ёзги таътил», «Умид ниҳоллари», «Соғлом оила», «Футболимиз келажаги», «Маҳаллаимиз паҳлавонлари» каби 170 дан ортиқ оммавий спорт тадбирларида 311 минг нафардан зиёд спортчи ёшлар иштирок этишди. Вояга етмаганлар ўртасида ўтказилган юздан ортиқ мусобақада 70873 нафар иштирокчи қатнашди. Жорий йилда бундай тадбирлар сони ва сифатини оширишга астойдил ҳаракат қилмоқчимиз.

Албатта, ҳар қаңдай ишнинг самараси натижасига қараб баҳоланади. Ўтган йилдаги республика ва халқаро аҳамиятга молик мусобақаларда вилоят ўқувчи-ёшлари 20 та олтин, 33 та кумуш, 23 та бронза медалини қўлга киритишди. Бу ютуқларда маҳаллаларнинг муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Олимжон НУРИДИНОВ,
«Маҳалла» хайрия жамғармасининг
Наманган вилояти бўлими
бошқаруви раиси.

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — МАКТАБ»

Ота-оналар куни

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ўзлаштириш даражасини оширади

Ўшанда Наврўз байрами арафаси эди. «Янги Чиноз» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мирхалил Мадамуровнинг хонасида байрам тараддуғида бағишланган йиғилишга ҳудуддаги мактаб, корхона раҳбарлари, тадбиркорлар тақлиф қилинган бўлиб, кун тартибидидаги масалалар муҳокамаси чоғида йиғин раиси йиғилганларга қарата шундай деди:

— «Фарҳод» тўйхонасининг эгаси Рустам Бобоев байрамни тўйхонасида ўтказиш тақлифи билан чиқди. Шундай бўлса, «Бўстон» маҳалласидаги Нишонбой, Зоҳид, Ўткирларнинг фарзандларининг суннат тўйларини тадбирга қўшиб юборсак, нима дейсизлар?

— Шу тўйга ҳомийлик қилиш ниятим бор, — деди тадбиркор Шухрат Эргашев.

Меҳр-оқибат, мурувват туйғуларига йўғрилган Наврўз байрами «Янги Чиноз»да қўнғилдайдик ўтди. Зар чопонлар кийган 4 нафар болаларнинг қувончига ҳамма шерик бўлди. Ҳудуддаги 6-мактаб ўқувчиларининг турли чиқишлари, спорт ўйинлари, куй-қўшиқлар барчага қувонч улашди.

— Бундай тадбирлар фуқаролар йиғи-



нимизда мунтазам ўтказилади, бунда албатта, ҳомийлар кўмагини ташкиллаш жоиз, — дейди йиғин раиси М.Мадамуров. — Айниқса, тадбиркор Шухрат Эргашевнинг ёрдами кўч бўлипти, у 6-мактаб ота-оналар кўмитаси раиси ҳамдир.

Шундан сўнг ота-оналар кўмитаси фаолияти, «оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлигидаги ишлар билан танишиш мақсадида мактабга йўл олдик.

Атрофида гуллар, ёш навиҳоллар яшаб турган, замонавий 3 қаватли маскан киши эътиборини тортади. Дид билан жиҳозланган, тоза, озода синфхоналарда 718 нафар ўқувчига 40 нафар

педагог таълим-тарбия бермоқда. Мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Мукаррам Бобоевни суҳбатга тортидик.

— Маълумки, 2008 йилда «Ёшлар йили» Давлат дастурига асосан «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлик марказлари ташкил этилган. Марказ қошидаги ишчи гуруҳ таркибига ота-оналар кўмитаси киритилган. Ҳар ойда бир марта ўтказиладиган кенгайтирилган ота-оналар мажлисида марказ ҳисоботлари эшитиб борилади, ўқув-семинарлар ва суҳбатлар ташкил этилади.

Дарҳақиқат, «Янги Чиноз» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М.Мадамуров ҳамда мактаб директори А.Маамуров томонидан тасдиқланган 2009 — 2010 ўқув йилида мактабда оила ва маҳалла ҳамкорлигини ошириш чора-тадбирлари асосида «Ота-оналар кунлари» ўтказиб келинмоқда. Яқинда бўлиб ўтган ота-оналар кўмитаси йиғилишида мактаб формаси, «Таълим муассасаларида касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш» масалалари муҳокама қилинди. Режа асосида «Оила — жамият кўзуси», «Қизларни турмушта тайёрлаш» мавзуларида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Сўзга чиққан «Янгибод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Раимбердиев, хотин-қизлар кенгаши раиси Г.Зиётова, маҳалла маслаҳатчиси М.Ўрозбоевлар ҳаётини мисоллар билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, «Ота-оналар куни»да 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш тўғрисида сўз борди. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Ҳа, ҳамкорлик асосида олиб борилаётган ишлар самараси ўлароқ, мактабда тарбияси оғир болалар йўқ. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ҳам анча юқори.

У.САКСОНБОВ,
«Mahalla» мухбири.

Ҳабиба ШЕРОВА

Фарзандлар тақдири ҳамиша эътиборда

Умр деб аталмиш учқур от кунлар, ойлар, йилларни орда қолдириб бораётир. Қўз очиб юмгунча, кун адоғига етиб қолганини сезмай қоласан киши. Кечта бориб, бутун нима иш қилдим, кимларга нафим тегди, ҳеч кимнинг дилини оғритиб қўймадимми, турмуш ташвишларидан чарчаганларга оз бўлса-да дада бера олдими, билиб-билмай йўлдан адашган инсонларга тўғри йўл кўрсатдимми, деган ўй ҳаёлимдан ўтади. Бутун маҳалла маслаҳатчиси сифатида мени айрим оилаларнинг нотинчлиги, ажралишлар оқибатида нора-сида, бегуноҳ гўдакларнинг тирик етим бўлиб қолаётгани безовта қилади.

Тарбия мактабининг иши, маънавиятни маънавиятчилар беради, деб қўл қовуштириб ўтиришимиз мутлақо нотўғри. Негаки, ёшлар таълим-тарбияни, аввало, ўз оиласидан, ота-онасидан ва маҳаллада шакллантирилади. Маҳаллада соғлом маънавий муҳит барқарор бўлса, келажагимиз эгалари бўлиши ёш авлод ҳар томонлама етук, миллий анъаналаримизга содиқ ҳолда ўсиб-ўзла-яди. Бундай муҳитни шакллантиришда ёшлар улуғ инсонлар, отахону онахонларнинг бой ҳаётини тажрибаси, панду на-сиҳатлари қўл келади. Ёшлар, ёш оила-лар ҳам улардан ўрнак олади.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳаётда айрим ҳолларда бир неча йил бирга яшаб, ўғил-қизи воёга етганда ажралиб кетётганлар ҳам учраб туради. Оилалар аж-ралиб кетишига аслида ким айбдор? Қизнинг эшигида қўлчиликка ке-либ, кейинчалик қўлдорга айланган қайнама, ишқасмасликка ўрганиб қолган қувётларми ёки қўлдан ҳеч иш келмайдиган, шўрва қилса ҳам тағига одирадиган нуноқ, эпизод, «Онамнинг тор қорнига сиққанман, кенг уйига ҳам сиғираман», деб қалта ўйлайдиган ке-линошми? Ҳаёт шундай паст-беандлик-лардан иборат экан, бунда ҳар ким ўз оила-си бахтини, фарзандлари қувончини ўз қўли, ҳақол меҳнати ила яратади.

Батъида шундай бахтли-саодати, ўзаро бир-бирлари билан иноқ оилаларни қўриб



ҳавасим келади. Нотинч оилаларни қўри-ганимда жим қараб туролмайман. Бундай ҳо-ларда маҳалла фаолла-ри, Яраштириш комис-сияси аъзолари, қола-верса, ёш катталар би-лан биргаликда оилавий жанжални, тушунмов-чиликларни бартараф этишга ошмакчимиз. Ҳам-жизматчиликдаги иш бе-са-мар кетмаслигини таж-рибадан биланман. Ҳеч ким сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилида иш тутмайди.

Тарбия мактабининг иши, маънавиятни маънавиятчи-лар беради, деб қўл қовуш-тириб ўтиришимиз мутлақо нотўғри. Негаки, ёшлар таълим-тарбияни, аввало, ўз оиласидан, ота-онасидан ва маҳаллада шаклланти-рилади.

Фарзандларимиз тақдири доимий фаоллар эътиборида. Уларга яхши амалларимиз би-лан ўрнак бўлиш, тўғри йўл кўрсатиш мас-ъулиятли вазифаларимиздан бири.

Бир куни маҳалла идорасига Муниса исми келинчак қўлида боласи билан ки-риб келди. У хонадонда низолаб юзга келаётганини, оиласи билан ажралишга ариза берганини айтди. Билишимча, эр-хотин муносабати илқ бўлса-да, қайна-на

арзизмаган нарсадан жанжал чиқариб, улар-нинг тинч яшашига йўл бермаётганимиз. Муниса кўзида ёш билан: «Опажон, мени оиламга олиб бориб, қайнаман билан яраштириб қўйинг. Қизим анчадан бери дадасини сўраб, ҳоли-жонимга қўймапти. Мен қийнасам ҳам майли, лекин фарзан-дининг қийналишини, уни етим қилиш-ни хоҳламайман», деди.

Кун кеч бўлиб қолган. Мунисанинг уйига йўл олдик. Бу хонадонга кириб бо-ришимиз билан қайнамаси бизни қувиб соғулақ дағдаға қилишга тушди.

Эртага қизим касалхонадан чиқади, бутун кайфиятим йўқ, Эртага келсин, — дея мени ҳам, келинни ҳам уйига кири-мади. Ўғли уйда экан шекли, шов-шув-ни эшитиб остона ҳатлаб чиқиши билан, қизчаси ўзини унинг бағрига отди. Шунда қайнама яна бақир-чақир қила бошлади. Шовқин-сурондан қўқиб кетган қизча чи-риллаб йўғайиб бошлади. Бунга қўриб мен ҳам ўзимни туттолмай, бунчалик тошба-ир бўлмаслигини, ўз оёғи билан бош эгиб кел-ган келинни қабул қилишини, набираси-нинг тақдири ҳақида ўйлашини, қолавер-

са, вақт аламаҳал бўлиб қолганини ёти-ни билан тушунтирдим. Қайнама қайсарлик қилиб, уларни уйга киритишни истамади. Ўғлининг эса турмуш ўртоғи, фарзанди-нинг уйда қолишини жуда хоҳлаётганини юз-кўздан билиш қийинмасди. Гап-ларим-ни эшитиб, бир оз ҳовуридан тушди, ше-килли, ниҳоят қайнама келинни уйга ки-рипти... Шу-шу, бу оила аъзолари тинч-тотув яшашмоқда.

Уйга қайтаётганим, бутунги қилган саво-бли ишмдан кўнглим таскин топди. Ёрдამга муҳтож инсонларга кўмак бериш, нотинч оилаларни муро-са йўли билан яраштириш, ёш авлод келажаги ҳақида қайғуриш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини яна бир бор кўнглимга тутдим. Шу ўринда, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳамкор ташкилот-лар, мутахассислар, ёшлар улуғлар ишти-ро-кида оила муқаддас даргоҳ эканлигини ту-шунтириш, кенг тарғибот-ташвиқот тад-бирларини олиб боришни янада жонлан-тиришни режалаштирдим.

Гуляҳра КАРИМОВА,
Юнусобод туманидаги «Оқтепа»
маҳалласи маслаҳатчиси.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

Ташвишлардан ҳаловат топиб...

АЁЛ КИШИНИНГ тадбиркорлиги ҳақида гап кетадиган бўлса, аксарият ҳолларда тикиш-бичиш, каштачилик, зар-дўзлик сингари соҳалар кўз ўнгимизга келади. Ваҳоланки, бутун фермерлик со-ҳаси ривожига ҳам улкан ҳисса қўшаёт-ган хотин-қизларимиз қўллаб топилади. Биз ҳикоя қиломоқчи бўлган тадбиркор аёл танлаган соҳа эса ноанъанавий — воситачилик қилиш, лозим бўлса муро-сага келтириш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тарғибот-ташвиқот юритиш ва ниҳоят, таъмирлаш, пайвандлаш, хуласа, комму-нал хизматларни ташкил этиш билан бо-лиқ.

Самарқанд шаҳридаги «Олтин аср» маҳалласини амалга оширилган ибратли ишлари билан республикага танита олган раис Хайринисо Шатанова мамлакатда би-ринчилардан бўлиб солиқ Темир йўл ту-манида хусусий уй-жой мулкдорлар шир-катига асос солган эди. Ўша пайтда у ҳудуддаги 16 та кўшқавлати уйга хизмат кўрсата бошлади. Бир оз вақт ўтиб, Са-марқанд шаҳар хусусий уй-жой мулк-дорлар ширкатлари уюшмасини ташкил этди. Тадбиркор аёл 2005 йилдан буён ана шу уюшмани бошқариб келмоқда.

— Ширкатлар ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланади ва мустақил равишда иш юритади. Раис этиб сайланган киши уй-жой қурилиши, коммуникацияси, уларни таъмирлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидан узоқ касб эгаси бўли-ши мумкин. Бундан қатъи назар, уюш-манинг биринчи галдаги вазифаси, улар-га амалий ёрдам кўрсатишдан иборат-дир, — дейди Х.Шатанова. — Айни ма-ҳалла уюшмасига аъзо бўлган 175 та ширкат мавжуд. Уларга соҳа бўйича те-гишли йўл-йўриқларни кўрсатиб, бош-ка корхоналар билан бўладиган муносаба-тиларнинг ижобий ечим топишда кўмак-лашиб келамиз.

Хайринисо Шатанова ташаббуси би-лан уюшма қошида таъмирлаш бригада-

си ҳам ташкил этилган. Бутунги кунда мазкур бригада томонидан 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйлар таъмири амалга оширилмоқда. Шу вақтгача йи-лига 75 тадан, жами 908 та уй капитал таъмирдан чиқарилди. Хусусан, кўп қаватли уйларнинг иссиқ ва совуқ сув ҳамда канализация қувурлари алмашти-рилди, сув ҳисоблагичлар ўрнатилди.

— Айни пайтда иссиқлик манбаидан узоқда жойлашган уйларни алоҳида қозонхоналар билан таъминлаш устида иш олиб бораётиб. Бугунга қадар 10 та кўп қаватли уй учун 5 та қозонхона ўрнатилди, — дейди Х.Шатанова.

Дарҳақиқат, уюшма фаолиятининг кўп тармоқли, ўта мураккаблиги уни бош-қариш осон эмаслигини кўрсатади. Бу-гун Хайринисо Шатанованинг сатъ-ҳара-кати билан ҳудуддаги кўп қаватли уй-ларнинг электр энергияси, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув таъминоти ҳамда бош-қа соҳалардаги коммунал тўловлари ҳам изга тушиб қолди. Уюшманинг шаҳар жамоатчилиги олдидидаги нуфузи, хона-дон эгалари олдига қозонган ишончи фикримизни исботлаб турибди.

— Мен «Ойдин Шарқ мадад» шир-катининг раисиман. Суғдиёна қўчасидаги 63-кўшқавлатли 100 хонадонли уй ётоқ-хона типига қурилган бўлиб, 2009 йи-лгача эътибордан четда қолиб келган, — дейди Малика Ашурова. — Хайринисо Шатанованинг бевосита ёрдами билан ушбу ҳудудда ҳам ширкат ташкил этил-ди. Бир йил ичда ертўладаги қувурлар алмаштирилди, том қисми қайта ёшлди. Чиндан ҳам уюшманинг раиси тиниб-тин-чимас, ишлаб чарчамас аёл. У кишини гоҳ ертўлада, гоҳ томада кўриш бизлар учун оддий ҳола айланиб қолган.

Ҳа, раҳбарнинг яйрати, шижоати унга эргашаётганларга ҳамиша илҳом, куч-қувват бағишлайди.

Ўқтам ҚУРБОНОВ,
Сардор ҲИММатов.

ФАОЛИЯТ

Тараққиёт йўлидаги муҳим қадам

МАМЛАКАТИМИЗДА «Соғлом она — соғлом бола» шiori остида аёллар ўртасида репродуктив саломатликни таъминлаш, ёш қизларни оила турму-шига тайёрлаш борасида кўлаб ама-лий ишларга қўл урилди. Чунончи, бўлинимиз ҳамда ҳудудий репродук-тив марказлар ҳамкорлигида қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йигинлари ҳузу-ридаги 25 та қишлоқ врачлик пункт-ларида ҳомиладор аёллар учун тиббий кўриқлар ташкил этилди. Унга ҳудуд аёлларини тўла жалб этиш мақсадида чекка аҳоли пунктларига кўчма врач-лик бригадалари уюштирилиб, замо-навий тиббий ускуналар ёрдамида хо-тин-қизлар саломатлиги ўрганилди. Уларнинг баъзилариға амбулатория ва стационар шароитда даволанишлари учун тавсиялар берилди. Натижада, жорий йилда 6835 нафар хотин-қиз-нинг саломатлиги тикланди.

Фуқаролар йиғинларида оилаларда соғлом муҳитни таъминлаш борасида-ги амалий ишлар салмоғи катта. Хусу-сан, ёшларнинг тўйдан олдин тиббий кўриқдан ўтиши, қонуний никоҳни қайда этиш, балоғат ёшга етмай тур-муш қуриш ва қариндошлар ўртасида-ги никоҳнинг зарарли оқибатлари ху-сусида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаётган. Айтиш жо-изки, Олот тумани шароитида «қиз қочди» ярим туйғайи яқин-яқинга-ча қонуний никоҳ масаласида муам-молар учраб турарди. Туман хотин-қиз-лар кўмитаси, фуқаролар йиғинлари-нинг диний маърифат, маънавий-ах-лоқий тарбия масалалари бўйича мас-лаҳатчилари, қайиновилар, маҳалла фа-олиларининг хонадонлар, мактаб ва жа-моат жойлардаги тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида бу иллатта барҳам берилди.

Соғлом авлодни дунёга келтира-диган аёлнинг нафақат саломатлиги, балки жамият ҳаётидаги фаолиятини ошириш бутунги куннинг асосий ва-зифаларидан биридир. Ўтган ойлار да-вомидида туманимизда уч марта хотин-қизлар учун махсус меҳнат армаркала-

ри ташкил этилди. Бундан ташқари, аёл-ларни тадбиркорликка жалб этиш, улар-нинг шахсий бизнесини қўллаб-қувват-лаш мақсадида ун нафарга яқин тад-биркор аёлга банкдан имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди. Ушбу эзгу иш-ларнинг амалий натижаси ўлароқ, бу-гун туманда 50 нафарга яқин аёл тад-биркорлик фаолияти билан шуғуллан-моқда. Шунингдек, 292 нафар хунар-маңда «Устоз-шогирд» йўналишида 1300 нафардан зиёд аҳолини иш билан таъ-минлади.

Эътиборлиси, «Пичоқчи» маҳалласи-дан Насима Ойтуғдиева, Нилюфар Ма-жидова, «Файзобод» маҳалласидан Са-одат Ҳожиёва, «Ўзбекистон» маҳалла-сида яшовчи Дилафруз Ҳимматовани бутун туманда ишбилармон аёл сифа-тида яхши билишди. Бу эса хотин-қиз-ларнинг жамият ҳаётида тобора фаол-лашиб бораётганликларидадан далолатдир.

Жамила ВАФОЕВА,
«Маҳалла» жамғармасининг
Олот тумани бўлинимаси
бош мутахассиси.

МУРУВВАТ

Боланинг бегонаси бўлмайди

Бутунги кунда шаҳар ва қишлоқла-римизга кўрқ бағишлаб турган за-монавий касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари истиқомиди мевала-ридир. Айниқса, меҳр-мурувватга муҳтож, ота-она меҳридан жудо бўлган болалар давлатимиз томонидан кучли ижтимо-ий ҳимояга олинган. Улар-нинг яхши таълим-тарбия олиши, соғлом муҳитда яшаш учун мамлакатимиз-да қатор ибратли ишлар қилинган.

Мариялон шаҳридаги 1-сонли Меҳрибонлик уйида ана шундай бо-лалардан 130 нафари тарбияланаётир. Улар-нинг баркамол инсонлар бўлиб воёга ети-ши учун барча шароитлар муҳайе этилган. Жум-ладан, иқтисодий, менежмент, компьютер технологияси бўйича билим ва кўникмала-рини ошириш борасида компьютер савдо-хонлиги, чеварлик, тўқувчилик, шахмат-шашка сингари йиғирмадан ортиқ тўғрақарлар фа-олияти йўлга қўйилган. Тарбияланувчилар буш вақтларини 4 мингдан зиёд адабиётга эга ахборот-ресурс марказида, компьютер жа-манмалари билан жиҳозланган компьютер хо-насида мазмунли ўтказишди.

Ёшларни мустақил ҳаёта тайёрлаш учун

маҳалладаги намунали, хунарманд оилалар таж-рибасидан фойдаланилмоқда. Ўтган йили Саид Аҳмад Хўжа Эшон маррасидида хунарманд-чилик марказида «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлинимаси, «Камолот» ЁИХ шаҳар кен-гаши ҳамда Меҳрибонлик уйи ҳамкорлигида тузилган режа асосида хунар ўрганиш истагида бўлган тарбияланувчиларнинг 12 нафарига хунармандлар то-монидан адрас, атлас, пилам тўқиш сирлари ўргатилди.

Хунарни пухта ўзлашти-рган ўқувчилардан 5 нафа-рига «Ёш хунарманд ресурс» маркази томонидан серти-фикат берилди. Шаҳардаги «Шохи Бегим» ху-сусий фирмасида чеварлик ва дизайнлик йўналишлари бўйича таҳси олган тарбияла-нувчиларнинг 4 нафари курсни битириб, дипло-мга эга бўлишди. Улар бутунги кунда би-чаш-тиқиш ишларини бемалол уйдатишмоқда.

Тарбияланувчиларнинг касб-хунарга қизиқиши ва аёққатини ўрганиб, уларни касб-та йўналиштириш борасида муайян ишлар амалга ошириляпти. Шу мақсадда «Касбим — фа-хрим», «Қим бўлсам экан?», «Мен танлаган касб» мавзуларида ишлар танови, тест ва анкета сўровлари ўтказиляётгани яхши сама-ра бераётир. Шунингдек, тарбияланувчилар ҳудуддаги касб-хунар коллежлари ва акаде-

мик лицейларга олиб борилиб, таълим йўна-лишлари билан яқиндан таништириляётир. Бир сўз билан айтганда, ёшларни касб-хунарга йўналиштириш, қизиқишини орттириш, билим-ларини мустаҳкамлаш, қобилиятига мос касб эгаси бўлиши учун кўмаклашиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келиняпти.

Худуддаги «Янги боғ» ҳамда Бобур но-мидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари «Ма-ҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлинимаси ва Меҳрибонлик уйи билан доимий ҳам-корликни йўлга қўйишган. Буни ҳамкор-ликда ўтказиляётган «Одоб — одам бе-за-ти», «Одобили бола — элга манзур», «Ахлоқ ойнадир», «Беодобдан бахт қочади» мав-зуларидаги давра суҳбатлари, тарбиявий соатлардан ҳам билиб олиш мумкин.

— Муассаса тарбияланувчилари маҳал-ла-қўй, саховатпеша инсонлар меҳрига до-имо эҳтиёж сезиб яшашди. Шу боис, бо-лажонлар ҳолдан мунтазам хабар олиб ту-рамиз, — дейди «Янги боғ» маҳалласи мас-лаҳатчиси, «Эл-юрт хурмати» орендни ни-шондори Зубайдаҳон Аҳмедова. — Уларни маҳалладаги ҳаётини тажрибага эга, намуна-ли оилалар билан тез-тез учраштириб тура-миз. Бундай учрашувлар уларни мустақил ҳаёта тайёрлашда муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари, муассасанинг фаол тарбиячилари болаларнинг бошини би-риктириб, турли тадбирларни ўтказиб ке-

лишмоқда. Хусусан, Амир Темур, Али-шер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бо-бур каби сиймоларнинг тавалуд айём-ларини кенг нишонлашда болалар ало-ҳида ташаббус кўрсатишди.

Меҳрибонлик уйи раҳбари М.Ҳошимов-анинг айтишича, болаларга ёлғиз эмасли-ни, ҳеч кимдан кам бўлмасдан воёга етаёт-ганини доимо англатиб туриш учун барча им-кониятлардан фойдаланиляётир. Хусусан, бундай болаларнинг бахтли, баркамол бўлиб камолга етиши учун давлатимиз томонидан етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Тар-бияланувчиларнинг дарслардан буш вақтла-рини мазмунли ўтказиши учун барча қўлай-ликлар яратилган. Қувасой шаҳридаги сўлим масканлардан бирида муассасага тегишли ёзи оромтоҳ бор. Ўқувчилар ёзи таълими ма-на шу оромтоҳда мароқли ўтказишди.

Сўхбат давомиди М.Ҳошимов муассаса-да узоқ йиллардан буён фаолият юритиб келаётган О.Мамажонов, М.Тожиёва, С.Те-шаббозев сингари тарбиячи, энага, шифокор-лар хизматини алоҳида таъкидлади. Жорий йилининг Баркамол авлод йили, деб номлан-гани ва Давлат дастури қабул қилингани юр-тимиз ёшлари, хусусан, мазкур Меҳрибон-лик уйи тарбияланувчилари ҳаётида ўтмас из қолдириши мукяррар.

Азамат МАҲМУДОВ,
«Mahalla» мухбири.

МУҲИМ ТАВСИЯЛАР

Оиладаги низоларнинг сабаблари

Маслаҳатчи оила муҳитидаги ўзаро му-носабат ва мулоқот боланинг турли ёш давлари, яъни инқироз ҳолатига боғлиқ эканлигини ота-оналарга, ёш келинчакларга тушунтира олиши керак. Болаларда руҳий инқироз давлари қуйидагилар:

- 1 ёшли давр инқирози;
- 3 ёшли давр инқирози;
- 6-7 ёшлар даври инқирози;
- 13-16 ёшлар даври инқирози.

Бу инқироз давларида қайси хусуси-ятлар кузатилишини билиш бола тарбия-сида йўл қўйилиши мумкин бўлган кам-чиликларнинг олдини олишга ёрдам бера-ди. Шунинг учун ҳаёт давомидида ортти-

рилган кўп йиллик сабоқларни билиш за-рурлигини уқтираемиз:

- агар бола доимо танқид қилинса, у нафратланишга ўрганади;
- агар бола таҳлика остида яшаса, у урушқоқликка ўрганади;
- агар болани масхарабалаб турилса, у писмиқ, одамови бўлиб қолади;
- агар болага доимо миннат қилинса, у ўзини айбдордек ҳис этиб яшашга ўрганади;
- агар бола гўғриликда ўсса, адолатли бўлишни ўрганади;
- агар бола хотиржам яшаса, кишилар-га ишонилса ўрганади;
- агар бола гийбатлашувнинг гувоҳи

бўлса, чақимчиликка ўрганади;

- агар болага тан жазоси берилаверса, у сурбет, қайсар, ўжар бўлиб қолади;
- агар бола чидам-қаноат муҳитида ўсса, у бошқаларни тушунишга ўрганади;
- агар боланинг яхши ҳаракатлари қув-ватлаб турилса, у ўзига ишонч ҳосил қилиб яшашни ўрганади.

Ҳаётнинг бу сабоқларини мумкин қадар ҳар бир оила вақилига тушунтириш орқа-ли фарзандларимизни яхшилик ва комму-нал йўлга бошлашда, албатта, маслаҳат-чининг ўз ўрни мавжуд.

Демак, бир ҳақиқат аён: кўпинча оила-ларда учрайдиган нотинчлик ҳолатлари ос-

тида арзизмаган сабаблар ётади. Бунга, ай-ниқса, оиладаги бекаларнинг укувсизлиги, оила ҳаётига бепарволиги, оддий, самимий муомала маромларини билмасликлари ҳам сабаб бўлиши мумкин. Оилада фарзандла-римиз ота-оналарининг бир-бирларига бўлган муносабатларига қараб иззат-хур-матни ўрганиб боради. Ота-оналаримиз бир-бирларига меҳрли бўлсалар, ширин муомала қилсалар, болалар ҳам шундай муомалага ўрганадилар. Агар турмуш ўрто-ғимизни ишга қўзғатаётганда «Яхши бориб келинг, дадаси» ёки ишдан қайтанлариди «Ишга яхши бориб келдингизми, дадаси?», деб табассум билан қўзғатиб қўйса ва ку-

тим олсак, оиладаги ўғил-қиз фарзандла-римиз ҳам онанинг бу ҳаракатини қўриб, отасига хурмати ошади. Ота-онани хурмат қилиш кераклигини тушуниб боради, иш-дан чарчаб, тушқун кайфиятда келган бўлса ҳам онанинг кўнгли тодак кўтарилади.

Оила деб аталмиш аравани тортиб бора-ётган эр ва хотиннинг бир-бирига елкадош бўлишини, ўзаро олобларини, бир-бирига бўлган меҳрибонликларини қўрган фарзанд-лар улардан ўрнак оладилар. Фарзанд айтган насиҳатининг эсидан чиқариши мумкин, аммо қўрганни ёдда сақлаб қолади.

(Давоми келгуси сонда.)
«Мустаҳкам оила — маҳалла таъини»
китобдан.

ОДАМ САВДОСИ — КУЛЛИК БАЛОСИ



Ширин ёлгонларга алданмоқ ёмон

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз миллий қонунчилигида одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, 2003 йил 12 декабрда БМТнинг «Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан қайтариш» қарори қабул қилинди.

Одам савдоси инсон, унинг дахлсиз ҳуқуқлари, кадр-қиммати, оқсоғишга ҳаёти ва келажагига жиддий путур етказувчи, на сарҳад ва на миллат танламайдиган иллат.

2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосда «2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси»нинг тасдиқлангани

мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш янада жадаллаштирилди. Юқоридаги қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида бугунги кунда «Маҳалла» жамғармасининг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари томонидан ҳам ибратли ишлар қилинилади. Айниқса, жойларда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари аҳолининг одам савдоси билан шугулланган кимсалар «тузғон»га тушиб қолмаслигида муҳим омил бўлмоқда.

— Тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш мақсадида, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда маҳалларда фаолият юритаётган диний матрифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосда «2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси»нинг тасдиқлангани

ҳолда маҳалларда фаолият юритаётган диний матрифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосда «2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси»нинг тасдиқлангани

сида одам савдосининг хавфли оқибатларига доир 6446 та маҳаллада 9 мингдан зиёд тадбир ташкил қилинди. Уларда 1 миллион 203 минг нафар аҳоли фаол иштирок этди. Эътиборлиси, шундан 561 мингдан ортиқини воқеа етмаган ёшлар ташкил этди. Шунингдек, тадбирларда фойдаланиш қулай бўлган «Россия Федерациясига ишлашга борадиганлар учун эсатма», «Агар сиз Қозоғистонда ишлашга тайёргарлик кўраётган бўлсангиз, нималарни билишингиз зарур?» каби ўқув қўлланмалари, буклетлар ҳамда «Алданмоқ қолманг!» «Кулликка рози бўлманг!» ва «Одам савдоси — куллик балоси» напшлари тарқатилди. Айтиш керакки, маҳалла фуқаролар йиғинлари кенашлари ҳузурида «Одам савдосига қарши курашиш» бўйича 8 мингдан ортиқ жамоатчилик кенашлари ташкил этилгани бу борадаги ишлар кўлами ва самарадорлигини янада ошираётган. Чунки жамоатчилик кенашлари томонидан маҳалла ҳудудидан хорижий мамлакатларга ишга кетган ва қайтиб келган фуқаролар рўйхатини тузиш, уларнинг оила аъзоларидан мунтазам хабардор бўлиш, жабранганларга маънавий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда фуқароларин хорижий мамлакатларга ишлашга ёллагани мойил шахсларни тегишли идора

вакиллари билан ҳамкорликда аниқлаш ва уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш вазифалари амалга ошириб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, одам савдоси инсон, унинг дахлсиз ҳуқуқлари, кадр-қиммати, оқсоғишга ҳаёти ва келажагига жиддий путур етказувчи, на сарҳад ва на миллат танламайдиган иллат бўлиб, ўз домига кўпроқ аёллар ҳамда болаларни тортаётгани билан жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Бу жиноят, асосан, инсонларни оғир шароитларда меҳнат қилишга мажбурлаш, куллик, мажбурий донорлик, фоҳишалар ва бошқа мақсадларда фойдаланишдек жирканч қўриқчилар билан намоеён бўлмоқда. Шу сабабли дунёнинг аксарият давлатларида мазкур жиноятга қарши курашиш борасида чора-тадбирлар белгиланган. Мамлакатимизда эса одам савдосининг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаолият олиб бормоқда.

Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида хорижга кетган ва маҳаллада узоқ муддатдан бўён истиқомат қилмаётган фуқароларни рўйхатга олиш китоби ташкил этилган. Қолаверса, маҳаллалардаги кўринали жойларга фуқароларнинг ўлиб-масалаларда мурожаат этишлари мумкин бўлган «ишонч телефонлари» рақамлари ёзиб қўйилган. Маълумотларга кўра, 2010 йилнинг биринчи чорагида фуқаролар йиғинларида одам савдосидан жабранган 2334 нафар киши мурожаат этган. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар бўлими, бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жабранган 984 нафар кишига руҳий, 5620 нафарига тиббий, 1361 нафарига ижтимоий кўмак берилди. 2023 нафар фуқарога ўқув курсарида қасб-хунара ўрганиш, 5365 нафар фуқарога ишга жойлаштириш бўйича ёрдам кўрсатилди.

Айтиш жоизки, амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар мазкур жиноятнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини камайтириш, бу иллатнинг ҳар қандай кўринишларидан фуқароларимизни муҳофаза қилишда муҳим омил бўлаётган.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,
«Mahalla» мухбири.

МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИ

Оқмачит — кўркам гуша

Нурота туманидаги Оқмачит қишлоғининг номи тарихда бир неча марта ўзгарган. Тарихчиларнинг айтишича, қишлоқнинг дастлабки номи

Даштиқиболо бўлган. Кейинроқ эса Дарвозани Ревдод номи билан аталган. Қишлоқ Буюк ипак йўли бўйида жойлашгани боис, қадимда Бухородан Самарқанд шаҳри ва бошқа манзиллари кўлаб ёки аксинча, Самарқанддан Бухоро тарафларга йўлга чиққан савдогарлар, сайёҳлар, меҳмонлар бу қишлоққа тунаб, эртасига яна йўлларида давом этганлар. Қишлоқ Мовароуннахрнинг икки йирик шаҳри ўртасида жойлашгани туфайли бу ерда карвонсаройлар бўлган. Меҳмонларнинг кўп келиши аҳолининг турмуш шароитига ҳам таъсир қилган, яъни улар бошқа қишлоқлар аҳолисига нисбатан яхшироқ ҳаёт кечиришган.

XX аср бошларида қишлоққа ҳашар йўли билан масжид қурилган. Бинонинг деворлари узоқдан йўловчиларга кўриниб туриши учун аҳоли уни оқ ранга бўяган. Шу боис, XX аср бошларидан буюн қишлоқнинг номи Оқмачит деб аталади. Самарқандлик ёзувчи ва тарихшунос

Маҳалла аҳлининг оқсоғишга, фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Адаб Истаднинг ёзишича, ҳозирги «Дарғам» канали атрофида катта шаҳар бўлган ва унинг дарвозаси Оқмачит қишлоғида барпо этилган. Қишлоқ аҳолисининг аксарияти, асосан, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва ҳўнармандчилик билан шугулланиб келишган.

Бугунги кунда «Оқмачит» маҳалласидаги 726 та хонадонда 3,5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла аҳлининг оқсоғишга, фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Нуротадан Оқмачитга мунтазам автобус қатнаб турибди. Худудда савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларининг сони йил сайин ортиб, ҳозирги пайтда йигирмадан зиёдин

ташкил этиди. Шунингдек, маҳаллада тикувчилик, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, новвойхона, ошхона, дорихона, сартарошхона фаолият кўрсатаётгани аҳолига қулайлик яратяпти.

Бундан ташқари, маҳаллада тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари ҳаракатини жонлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилаётган. Маҳалла фуқаролари ўттизга яқин тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилишмоқда. Худудда ўнга яқин кичик корхона барпо этилиб, доимий иш ўринлари сони кўпайтирилди. Маҳалла мутаассадилари ишлаш имконияти бўлган хотин-қизлар билан яқка тартибда суҳбатлашиб, уларни хусусий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этишмоқда. Натияжада ўнга яқин хотин-қиз ўз уйларида касаначилик фаолияти билан шугулланиш имкониятига эга бўлишди.

Шунингдек, ўтган йили худудда маъмурий бинолар қурилди. Бундай бунёдкорлик ишлари бу йил ҳам давом этирилмоқда. Ўтган йили маҳаллада замонавий типдаги янги хусусий тураржой би

ФАРЗАНД ЭХТИРОМИ

Онам ҳақида ёзилмаган кўшиқ

Онажон, мен сиз ҳақингизда кўшиқ ёзмакчи эдим...

Унда Сизнинг мўтабар она, сеvimли ёр, битмас-тутанмас ирода эгаси эканлигингизни, ҳаётда инсонларга фақат яхшилик тилаб яшаганингиз ва бутун умр шунинг учун курашганингиз ўз аксини топтоғи лозим эди. Бу кўшиқ олис очарчилик йилларидан ва урушнинг қўйинчиликларидан эсон-омон чиқиб, ҳозирги бахтли ҳаётда давру даврон суриб, юракда армонлари қолмаган оқила, олийҳиммат аёл ҳақингизга мадҳия бўлиши керак эди.

... Уша қонли уруш йиллари қишлоққа қолган ишга яроқли қариялар, болалар, аёллар орасида Сиз ҳам бор эдингиз. Энг яхши кийимини, овқатини фронтга жўнатиб, бир коса атала билан тонг саҳардан, то қош қорайгунча меҳнат қилган бу одамларда юсак куч ва метин ирода бор эди.

Уша вақтлар икки олам ва Сиз яшган уйда ҳатто қурмак бўлмаганда ҳам иродангиз дарз кетмаган. Тенгдош ке

линчак ўз ёрига бевафолик қилиб, фронтдан бир амаллаб қочиб қолган кимсага иккинчи хотин бўлганда, Сизга: «Эринг ҳали келадими-йўқми, уруш умуман тугайдими-йўқми?» деганларида, уларнинг юзларига тик боқиб, чидам билан жайлавергансиз.

Ҳамқишлоқларнинг илтижоси яқобат бўлибми, тақдир тақозосими, отам фронтдан соғ-саломат қайтиб келди. Шунда у Сиз ёзган хатлардаги ҳамма гапларнинг ёлгонлигини — уйда буғдай нон туғул, бир қафт ариша ҳам йўқлигини билиб қолган...

Узингиз орзу қилгандек, кейин ҳаётингизда ёруғ кунлар кўп бўлди. Отам билан бирга урушдан кейин туғилган фарзандларингизни ўқитиб, уйли-жойли қилдингиз, неварачевара кўрддингиз. Аллоҳнинг марҳамати билан, ўша урушнинг оғир кунларида иродасизлик қилган тенгдошларингизга қараганда янча узоқ ва мазмунли умр кўрддингиз. Ҳаётингизнинг охириги лаҳзаларингизга ўзгалар ташвиши билан яшаддингиз ва

бизни ҳам шунга ўргатдингиз. Ҳозир ҳам Сизнинг меҳрингиздан, ҳимматингиздан, яхшилигингиздан баҳраманд бўлган одамлар уйимизга келиб, Сизнинг ҳақингизда дуо қиладилар.

Баъзан бошимизга бирор ташвиш тушган пайтларда доимо босиқлик билан: «Э-э, болам, бу ташвиш нима бўлибди, ҳаётда бундан баттарини ҳам кўрганмиз, мана яшаймиз-ку! Фақат сабр, чидам билан уни енгиш керак, вас-салом», дердингиз. Бу гапларда нақадар чуқур маъно бораётгани орадан йиллар ўтиб, улайганимда, афсуски, Сиз бу ёруғ дунёдан ўтганингиздан сўнг тушуниб етдингиз...

Онажон! Мен Сиз ҳақингизда бир кўшиқ ёзмакчи эдим, афсуски, уни ёза олмадим. Аммо бутун барча фарзандларингиз, Сизни бениҳоя қадрловчи инсонлар қалбига ёрқин хотиранингиз сақланиб қолмаверди.

Онажон! Мен Сиз ҳақингизда бир кўшиқ ёзмакчи эдим...

Узоқбой САКСОНБОВ

«MAHALLA» ЖАВОБ БЕРАДИ

Оқсоқолнинг талаби ўринли

САВОЛ: — Оиламизда хусусий ёки давлат ишхонасида фаолият юритадиганлар йўқ. Турмуш ўртоғим дурадгор, ўзим эса уйда тикувчилик билан шугулланаман. Икки нафар фарзандимиз бор. Яқинда маҳалла фуқаролар йиғинига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилгандим. Йиғин раиси бунинг учун онламининг умумий даромади тўғрисида маълумот кераклигини айтди. Унинг талаби ўринлими?

Ж.ОТАМУРОВО
Тошлоқ тумани.

ЖАВОБ: — Президентимизнинг 1994 йилда «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши ва Вазиранинг Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам таъинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомининг тасдиқлиниши муайян оилани кам таъминланган деб топиш масаласини маҳалла, қишлоқ, шаҳарча ва овул фуқаролар йиғини мустақил равишда ҳал этишини белгилаб берди. Шу боис, фуқаролар йиғинлари ижтимоий қўллаб-қувватлашни адолатли ташкил этиш мақсадида махсус комиссия билан оиланинг умумий даромадини ҳисоблашга ҳақли.

Низомнинг 11-бадига кўра, махсус комиссия ариза тушган кундан бошлаб икки ҳафта ичида ёрдам сўраган оиланинг яшаш жойига бориб, унинг моддий ва мулкий ҳолатини текширади.

Текшириш вақтида комиссия аъзолари ариза берган шахс билан, зарур бўлса, оиланинг бошқа аъзолари билан бирма-бир суҳбатлашиб, умумий даромад ва мулкий ҳолат ҳақида далолатнома тузади. Унда қуйидаги маълумотлар

акс эттирилади:

— текширилаётган оиланинг таркиби, яъни уй китоби рўйхатидаги оила аъзолари сони қайд қилинади. Доимий яшаш жойига эга бўлмаган, меҳнатга лаёқатли оила аъзолари, бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаётган аёллар ва 16 ёшгача бўлган болаларнинг сони алоҳида кўрсатилади;

— оиланинг доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва меҳнатга қобил ятла оила аъзолари (18 ёшгача бўлган ўқувчилар бундан мустасно);

— текшириш вақтидаги оиланинг жами пул даромадлари манбалари ва миқдори;

— томорқа майдони ва ундан даромад олиш имкониятлари;

— оила мол-мулкнинг қиймати (дала ҳовли, автомобиль ва зеб-зийнатларнинг мавжудлиги);

— оиланинг муҳтожлик даражаси ва ҳар ойда бериладиган моддий ёрдамнинг тавсия қилинаётган миқдори ҳақида комиссия ҳулосаси.

Оиланинг даромадларини ҳисоблашда бир марталик тўловлар қўшиб ҳисобланмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Умумий мол-мулк иккига бўлинади(ми?)

САВОЛ: — Келишмовчилик туфайли хотиним билан ажрашаётган эдим. У ўн йиллик никоҳимиз давомида эришлаган барча мол-мулкларимнинг тенг бўлишини талаб қилмоқда. Айтган-чи, менинг номимдаги барча мол-мулк энди иккига бўлинадими?

Р.БОБОЖОНОВ
Хонка тумани.

ЖАВОБ: — Оила кодексининг 23-моддасида белгиланганча, эр-хотиннинг никоҳ давомида ортирган ва никоҳ қайд этилгунга қадар уларнинг умумий маблағи ҳисобига олинган мол-мулклари, қонунда ёки никоҳ шартномасида бошқа ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг умумий мол-мулк ҳисобланади. Шунингдек, эр-хотиннинг даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қорозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлар ҳамда никоҳ давомида ортирилган ҳар қандай мол-мулклар, улардан бирининг номига расмийлаштирилган бўлишидан қатъи назар, умумий мол-мулклар сирасига қиради.

Эр ёки хотин уй-рузгор ишларини юритиш, бола парваришлаш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра, мустақил даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам, биргаликда турмуш даврида ортирилган мол-мулк уларнинг умумий мулкига қиради ҳамда унга нисбатан эр-хотиннинг ҳуқуқлари тенгдир.

Оила кодексининг 25-, 26-моддалар

рига кўра, эр ёки хотиннинг никоҳда қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, никоҳ давомида ҳада, мерос тарикасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки, шунингдек, шахсий фойдаланувидagi кийим-бош, пойабзал ва шу каби бошқа буюмлар унинг хусусий мулки ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, никоҳдан ажратиш жараёнида томонларнинг тўғри ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблари қаноатлантирилмайдми. Шунингдек, миллий урф-одатларга кўра, тўй муносабати билан келинга бериладиган сеп ва сарпоялар, шунингдек, эр ёки хотиннинг шахсий фойдаланувига берилган совғалар хусусий мулк сирасига қиради.

Лекин келинсалом, туғилган кун, чакриқ сингари маросимларда эр-хотиннинг умумий фойдаланувига берилган квартира, машина, гилам, телевизор ва шунга ўхшаш буюмлар никоҳ давомида ортирилган умумий мулк сирасига қиради. Шу боис, улар никоҳдан ажратиш вақтида тенг тақсимланади.

Саволларга Тошкент шаҳар хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Қумри АБДУЛҲАСАНОВА жавоб берди.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР

Қотил улфат

Улуғбек Исламни пичоқлабди... Бу ноҳус хабардан маҳалладошлар гангиб қолди. Ҳамма ўзича «фол» очар, аммо аслида нима бўлганини ҳеч ким билмасди.

Улуғбек ва Ислам ён қўшни, бир кўчада, бир маҳаллада «тепилашиб» катта бўлишган. Ислам уйда новвойлик билан шугулланар, Улуғбек эса, олий маълумотли бўлишга қарамай, хорижга ишлагани бориб турарди. Хуллас, улар ўртасида қасдлашулик на адоват, на тайинли сабаб бор эди. Аммо...

Воқеа жуда тез рўй берди. Ислам новвойхонани беркитиб, бир оз дам олиб, қўшниси билан улфатчилик қилиш мақсадида Улуғбекка телефон қилди. Аввалига унамаган Улуғбек қўшнининг эшик қоқиб келганидан сўнг унинг раъйини қайтаролмади. Икки улфат Шофиркон туман марказига қараб йўл олишди.

Ошхонадаги зияфат етмаганидек, яна бир ишша арок, газатига кўчадаги дўкондан ул

бул харид қилиб, улфатчиликни йўлда давом эттиришди. Аввалига бири бирини суйиб, ширингина гурунлашиб ўтирган қўшнilar кейин ўзларини шерга қиёс қилишди. Энди улар бир-бирига гапни маъқулатлаштира эри бериб уринишар, аммо ичкилик қар қилиб қўйган, қўлоқлари том битан — ўзганинг гапни эшитишни истамасди.

Улуғбек ўзини бошқаролмай қолган Исламни суяб уйига етакларкан, дарвоза олдида уларни кутиб турган қўшни аёлнинг: «Яна ичиб юрибсанми!?», деган гапни эшитди. Бу Исламнинг онаси — Орзу биби эди. Шу бир оғиз сўз жанжалга сабаб бўлди. Энди Ислам онаси билан даҳанаки тортишар, Улуғбек эса уларни тинчлантиришга уринарди.

— Нега менга ёпишсан? Менга тегилишга қандай ҳақингиз сиғи? Сен ўзинг кимсан? — дея қўшниси Улуғбекка мушт туширди.

Улуғбек ҳам қараб турмади. Ичкилик қонини кўштириган, шу тоғда ҳеч нарсани ўйлама, фақат мушт туфайли озор ет

ган «ҳамиятини» ҳимоя қилиш фикрида ёнарди. У уйига кириб ошхонадан пичоқ олиб чиқиб, ҳаддидан ошган зуравондан қасос олишга чоғланди. Шу тоғда мўдҳиш ниятдан қайтарилган бирор мард йўқ эди.

Биргина зарба барчасига нуқта қўйди: Ислам касалхонага етмасданоқ жон берди. Улуғбек эса эндигина туғилган фарзандининг меҳрига тўймай, навқирон 28 ёшда 18 йилга озоқликдан маҳрум қилинди.

Ҳўш, бу воқеада ким айбдор? Маслак туфайли ўз ҳаддини билмаган Исламми? Ё жаҳлани жиловай олмаган Улуғбекми? Эҳтимо, кўчадаги шовқин-сурон, икки улфатнинг жанжалини эшитган қўшнilar «ўзлари бошлаб, ўзлари тинчишар», дея бефарқликка бормаганида қотиллик эш бермасмиди?

Ҳа, ичкиликбозлик оқибатида юзага келган бу фожияни кўриб, эй, сиз одамлар, эсиз одамлар, дегинг келадми.

Ақбар РУСТАМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Бу даргоҳда чемпионлар тайёрланади

< [1]

Юртимизда ўтган 7 йилда 1123 та спорт мажмуаси қуриди. Ҳозир бу масканларда минглаб ёшлар спортнинг у ёки бу тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Шундай масканлардан бири пойтахтимиздаги «Миробод» спорт мажмуасидир.

— Мазкур мажмуанинг бунёд этилгани ёшларимизнинг қувончига қувонч қўшди. Биласиз, Ҳамза, Миробод, Сергели туманлари маҳаллаларига яқин жойда бундай кўринишдаги спорт иншооти йўқ эди. Ёшларимиз шуғулланиш учун ҳудудимиздан анча олисдаги «Динамо», «Жар», «Юнусобод» каби спорт саройларига қатнашди, — дейди спорт мажмуаси директори, самбо бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони Михаил Алиев. — 2007 йили бунёд этилган ушбу спорт мажмуасида бутунги кунда 1000 нафарга яқин ёш тажрибали мураббийлар қўл остида спортнинг 20 га яқин тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бундан ташқари, спорт саройи «Янги Қўйлик», «Олтинқўл», «Қорасув», «Файзобод», «Чинор» маҳаллалари ёшларининг энг севили масканига айланган. Уларга ҳам тегишли жаҳвал асосида хизмат кўрсатамиз.

Айтиш лозимки, замонавий спорт иншоотларининг қад ростлаши натижасида кейинги йилларда спорт билан шуғулланувчи ёшлар сафи кенгайди. Мураббийларнинг тинимсиз меҳнатлари самараси ўларок, спорт мажмуасида шуғулланаётган ёшлар орасидан қисқа фурсатда ўнлаб мамлакат чемпионлари, халқаро турнир ғолиблари етишиб чиқди. Белбоғли кураш бўйича



фото: Носир Хайдаров

жаҳон чемпиони Маъсудбек Мўйдинов, бадий гимнастика бўйича халқаро турнирлар ғолиблари Комила Гареева, Латофат Бобонова, Анора Давлатова, шунингдек, кураш, каратэ, бокс, самбо ва ўзбек жанг санъати бўйича ҳам ушбу маскандан ўнлаб чемпионлар етишиб чиқди. Улар бугун нафақат «Миробод»нинг, балки мамлакатимиз спортининг ҳам фахрига айланаётган ёшларимиздан.

Ҳақиқатан, спорт мажмуасининг ёшлар ихтиёрига берилганига 3 йил бўлсада, қисқа фурсатда «Миробод» Тошкентдаги энг гавжум масканлардан бирига айланди. Ўтган даврда нафақат чемпионлар камолга етди, балки 15 дан зиёд

мамлакат чемпионати, халқаро турнирлар, ўқув-машғулот йиғинлари айнан шу ерда ўтказилди. Масалан, жорий йилнинг январда бадий гимнастика бўйича ўтган халқаро турнирга таширф буюрган Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон спортчилари «Миробод» мажмуасининг кенг ва шинамлигига юқори баҳо беришганди.

«Миробод»нинг яна бир эътиборли томони, бу маскандан шарт-шароитларнинг тўқислиги сабабли спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоалари бу ерни ўзларининг доимий ўқув-машғулот маркази сифатида кўришади. Масалан, ўзбек жанг санъати ва белбоғли кураш вакиллари айнан шу ерда халқаро мусобақаларга сўнгги тайёргарлик машғулотларини ўтказишади. Шунингдек, эркин кураш бўйича аёллар терма жамоаси аъзолари ҳам, бадий гимнастикачилар ҳам

«Миробод»ни доимий спорт иншоотларидан бири, деб билишади.

Чемпионлар маскани «Миробод»нинг озода ва қулай мажмуаси, стадиони билан яқиндан танишиш асосида директор М.Алиевнинг соатига тинмай қараб қўётгани эътиборимни тортиди. Сабабини сўрадим. «Машғулотимиз бошланиши керак эди. Ҳамма мени кутяпти, узр. Лекин хоҳласангиз, сизларни ҳам гиламга таклиф қиламан», деди. Рози бўлдим, фақат ҳозирча кузатувчи сифатида...

Пешонасидан тер оқаётган, аммо бунга парво қилмай машқ бажараётган ёшларнинг хатти-ҳаракатини кўриб, улар эртага жаҳон спорт майдонларида дунёнинг ҳавасини келтириб пурвиқор тоғлардек кўриниш беришига ишонасан, киши.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ХАБАРЛАР

Терма жамоа шакллантирилади

Эртага Бухоро шаҳрида кураш бўйича катта ёшдагилар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бошланади.

Мусобақаларда мамлакатимизнинг барча вилоятлари терма жамоалари иштирок этади. Қизлар етти ва йигитлар саккиз вази тоифасида курашадиган мазкур чемпионат натижаларига кўра Ўзбекистон терма жамоаси шакллантирилади.

— Ушбу чемпионатда совринли ўринларни эгаллаган спортчиларимиз келгусида Жаҳон ва Осиё чемпионатларида, қитъа ўйинларида ва халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади, — дейди Ўзбекистон Кураш миллий федерацияси 1-вице-президенти Қосимжон Раззоқов.

Чемпионат ғолиб ва совриндорлари 24 апрелда аниқланади.

Дзюдочилар Таиландга йўл олади

Шу кунларда дзюдо бўйича мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси 28-30 апрель кунлари Таиландда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтаётган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда.

Ушбу нуфузли мусобақада иштирок этиш учун Фарҳод Тўраев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Таиландга 27 апрель куни жўнаб кетади.

Энг кучлилар аниқланди

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-савомлаштириш мажмуасида каратэ бўйича ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида мамлакатимизнинг 1000 нафардан зиёд спортчилари ката ва кумитэ йўналишларида ғолиблик учун куралишди.

Икки кунлик мurosасиз баҳслар натижасига кўра, Сабина Ниёзова, Ситора Розикова, Сардор Маҳмудов, Бахтиёр Фозилжонов, Сардор Файзуллаев, Оло

вуддин Халилов, Иқболжон Узоқов, Абдулла Амирхонов каби спортчилар ўз йўналиши ва вазналарида мамлакат чемпионлигини қўлга киритишди.

Чемпионат якунлари бўйича халқаро мусобақаларда иштирок этаётган терма жамоа аъзолари аниқланди. Сараланган спортчилар шу йилнинг сентябрь ойида Сингапурда ўтаётган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

“MAHALLA” ШИФОХОНАСИ

Сервитамин баҳор неъмат

Тоғлар этагида, далаларда, сой ва жилгалар бўйида ўсадиган шифобахш гиёҳлар инсон саломатлиги учун қони фойда. Улар орасида равоч ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Равочнинг шифобахшлиги табобатда қадимдан маълум. Тибб илмининг донишманди Ибн Сино чечак, вабо, қизамиқ каби хасталикларни даволашда равочдан фойдаланишни тавсия қилган. Шунингдек, равоч ичак, қовуқ дардларига даво, ичми қотирувчи неъмат, кўксов (астма) хуружини енгилашувчи восита сифатида тавсия этилган.

Тажрибали табиб Муҳаммад ал-Оқлийнинг «Маҳзан-ул-адвия» («Даволар хазинаси») асарида баён этилишича, равоч кайфиятини кўтарди, иштаҳани уйғотди, ортиқча сафродан холи этади, ташналикни қондиради, қонни тозалайди. Шунингдек, кўнгил айнашига барҳам беради, сархуш одамни ҳушига келтиради, бавосилга, сариқ ва безгак қақшоғига даво, ичакни мулоймлаштиради.

Ҳозирги кунда унинг илдизи ва поясида олинатиغان танагаикозидлар ва антрагликозидлар тиббиётда қўлланиб келинмоқда.

Юртимизда равоч табиий ҳолда кўп

учраса-да, маданий равишда ҳам етиштирилади. Айниқса, унинг полиз равоч, деб юритиладиган «Реум ундаулатум» тури кенг қўламда етиштирилади. Полиз равочининг шираси, қиёми ва тиндирмаси сафро ҳайдовчи, меъда ширасини оширувчи, жигарни заҳарланишдан сақловчи муҳим воситадир. Равоч калий тузига бой бўлгани учун юракка қувват бағишлаб, қон айланишини яхшилайдди. Бемаврид ич кетиши (диспепсия), фаромушхотирлик, камқонлик, ўпка сили ва гастритта шифо бўлади.

Туркистон равочининг мурак поя ва барглари масаллик сифатида овқатларга солинади. Айни баҳор дамлари равочнинг ширадор новдаларидан мурabbo, шарбат, аваға (кисель) ва бошқа ширинликлар тайёрланади. Новдаси сомса, варақ каби пишириқларнинг қиймасига солинади.

Равочни апрель ойидан июнь ойининг бошларигача истеъмол қилиш лозим. Чунки бу даврда унинг истеъмол қилинадиган қисмлари инсон танаси учун зарур бўладиган шифобахш моддаларга бой бўлади.

Дово ХЎЖАЕВА,
олий тоифали дористунос.

КИШЛОҚ ҲАНГОМАЛАРИ

«Эскирган» янги туфли

ТУРСУНБОЙ шаҳарга тушиб, янги туфли сотиб олди ва уни машинасининг орқа ўриндиғига ташлаб қўйди. Машинани энди юргизаман, деб турганида дўсти Файзиқулни кўриб қолди. Файзиқул сўраб-суриштирмай машинага ўтириб, саломга қўл узатди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, орқа ўриндиқдаги қутини қўлига олди.

— Э, муборак бўлсин! — Файзиқул қутини очиб, туфлини томоша қилгач, оёғига кийиб кўрди. Лопша-лойиқ экан. — Янги нарсани, албатта, ювиш керак.

Турсунбой ҳам томоғи тақиллаб турган эканми, дарҳол: «Э, сен нима десанг, шу-да, дўстим!», деб юборди. Файзиқулнинг қўлағи тўтиб, ичиди:

«Ҳал сеними, бир болай», деб кўнглига шумлиқни тугиб қўйди.

Турсунбой кафега бошлаган эди, Файзиқул: «Бунақа туфлини ресторанда ювиш керак», деди. Икки дўст роса отамлашди. Янги туфлига атаб қадаҳ сўзлари айтилди. 40 минг сўмга олинган туфли 50 минг сўмнинг «бошини еди».

Эртаси кунни қараёт ҳолда ишга отланаётган Турсунбой хотинига янги туфлини олиб келишни буюрди. Хотини унинг қўлига яп-янги қутини узатди. Қутини очган Турсунбой турган жойида қотиб қолди: қутини ичиди Файзиқулнинг ранги ўчиб кетган эски туфлиси турарди...

Каримқул МАВЛОНОВ,
Бекобод тумани.

Дунёдан дараклар


Самолётлар парвози бошланди

ИСЛАНДИЯ пойтахтидан 200 километр узоқликда жойлашган Эйяфьятлайокуль вулканининг уйғониши нафақат Европани, балки жаҳон аҳлини ҳам ташвишга солиб қўйди. Вулқондан отилиб чиқаётган чанг булуғлари кўҳна қитъа осмонини эгаллаб олди ва самолётлар парвозига жиддий хавф туғдирди. Европадаги барча аэропортларда бир неча кун давомида парвозлар тўхтади. Маълумотларга қараганда, ўтган кун эрталабга қадар ҳаммаси бўлиб 60 мингга рейс кечиктирилган. Бундан авнакоманиялар миллиардлаб евро зарар кўрди.



Reuters хабарига қараганда, кеча вазиет бироз яшилди. Кўҳна қитъадаги 75 фойз аэропортларда самолётлар парвози бошланди. Лекин ҳали ҳам Исландия, Буюк Британия, Дания, Швеция мамлакатларидаги айрим аэропортлар ишламаяпти.

Текширув ўтказишни талаб қилди



ИРОҚ ташқи ишлар вазири Ҳошйар Зебари Исроилнинг ядро объектларида халқаро инспекция текширувини ўтказишни талаб қилди. У Техронда бўлиб ўтган ядро қурилиш тарқатмаслик масалаларига бағишланган конференцияда шу ҳақда гаширди. Зебарининг таъкидлаши-


ча, Исроилнинг ядро дастурини ҳам халқаро ҳамжамият назорат қилиши керак. Бундан ташқари, вазири Яқин Шарқни бутунлай ядро қурилишдан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини олға сурди.

Хориж разведкаси маълумотларига қараганда, Исроил ядро қурилишга эга. Лекин у ядро қурилиш тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани имзоламаган. ВВС мухбирининг ёзишича, Миср ва Туркия бошчилигидаги ислом давлатлари Исроилдан Ядро қурилиш тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага имзо чекишни талаб қилмоқчи бўлгани учун Исроил бош вазири АҚШда ўтган ядро хавфсизлиги бўйича саммитта бормаган.

Савдодаги ўсиш

ЖОРИЙ йилда жаҳон савдо айланмаси 9,5 фоизга ўсади. Бу ҳақда Жаҳон савдо ташкилоти раҳбари Паскаль Лами АФР мухбирига берган интервьюсида таъкидлаб ўтди. Унинг айтишича, ўтган йили бу кўрсаткич 12 фоизга қисқарган эди.

ЖСТ экспертларининг ҳуоасига қараганда, 2010 йилда ривожланаётган мамлакатларда савдо айланмаси 11 фоизга, ривожланган мамлакатларда эса 7,5 фоизга ўсиши кутилган.



«Бу жаҳон иқтисодчилари учун жуда қувончли хабардир», деди Лами. Сал аввалроқ жаҳон савдо айланмасидаги ўсиш 5,8 фоизга ўсиши тахмин қилинган.

Ҳужжатингиз қалбаки экан



РОССИЯ ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш билан шуғулланган йирик жиноий гулиҳ, камқонлик, ўпка сили ва гастритта шифо бўлади.

Туркистон равочининг мурак поя ва барглари масаллик сифатида овқатларга солинади. Айни баҳор дамлари равочнинг ширадор новдаларидан мурabbo, шарбат, аваға (кисель) ва бошқа ширинликлар тайёрланади. Новдаси сомса, варақ каби пишириқларнинг қиймасига солинади.

Равочни апрель ойидан июнь ойининг бошларигача истеъмол қилиш лозим. Чунки бу даврда унинг истеъмол қилинадиган қисмлари инсон танаси учун зарур бўладиган шифобахш моддаларга бой бўлади.

Филипп Золотницкийнинг таъкидлашича, жиноятчиларни қўлга олиш бўйича ўтказилган махсус амалиёт чоғида 50 нафар одам ўшланган. Улар ичиди жиноий гуруҳнинг 9 нафар раҳбари ҳам бор.

Жиноятчилар Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида фаолият олиб боришган. Уларнинг Москвада 15 та, Санкт-Петербургда 10 та яширинча офислари, шунингдек, уч сменада иш олиб бориладиган битта босмахонаси бўлган. Амалиёт чоғида улардан қўлаб корхона ва ташкилотларнинг фирма башкалари, 100 тадан кўпроқ компания, нуска кўчириш апарати ҳамда бошқа техника жиҳозлари тортиб олинди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Фарзандингизни яхши биласизми?

(Ота-оналар учун психологик тест)

Қуйидаги саволларнинг ҳар бирига «Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб беринг:

1. Болангизнинг ўртоқлари орасида яқин дўсти борми?
2. Ҳар қандай янги нарсани уни мафтун қилади?
3. Эски кийимлардан кўра янгилирини афзал қўради?
4. Ўзини ҳамма нарсани ўзига ёққандек қилиб кўрсатади?
5. Бўлажак касби ҳақида гапирганда, қарорини 3 мартадан кўп ўзгартирганми?
6. Мураккаб топириқлар берганда ўзига ишонмайди?
7. Нималарнидир йиғишга, тўплашга қизиқади?
8. Охириги дақиқаларда фарзандингиз ўз режасини ўзгартариши мумкинми?

1, 3, 7 саволарига «Ҳа» жавоби учун ва 2, 4, 5, 6 ва 8 саволарига «Йўқ» жавоби учун ўзингизга бир балдан қўйинг. Энди рақамларни қўшиб, жавобларни ўқинг.

6 балдан кўп: фарзандингиз ўз фик-

рига эга. Бундай фарзанд билан фахрлансангиз бўлади. Унга кўпроқ янги китоблар олиб беришни ҳамда тафаккурини ўстирувчи ўйин-машғулотлар ўтказишни қанда қилманг.

3-6 балл: фарзандингизнинг кайфияти тез-тез ўзгариб туради. Инжиқликларига қарамай, унинг олдига қатъий талаблар қўйинг ва уларнинг ижросини назорат қилинг. Кўпроқ вақтингизни фарзанд тарбиясига ажратишингиз фойдадан холи бўлмайди.

3 балдан кам: фарзандингизга кўпроқ эътибор беринг! У ўз кучига ишонмайди. У доим кимнингдир ёрдамига муҳтож бўлиб қолапти. Унга ишонингизни, қўлидан ҳамма иш келишини тез-тез таъкидлаб турунг. Бажара олмайди-ган ишларини биргаликда бажаринг.

Гулнора АКМАЛОВА тайёрлади.

Шайхонтохур тумани «Маҳалла» жамғармасига тегишли бўлган 1994 йил 4 мартада шаҳар Статистика бошқармасидан рўйхатдан ўтган № 217/3 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси бош таҳририят техник муҳаррири Ратно Азизовна Бабахановага волидан муҳтарамаси МУҚАДДАС аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Mahalla

ҳафталик газета

Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир

Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 6 декабрда 0019 рақами
билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

Навбатчилар: Нигора Имомназарова
Мусаҳҳих: Нодира Холмирова

Телефонлар:

233-39-89 233-10-73
236-53-93 236-53-75,
236-57-62 Факс: — 236-57-94

Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди,
офсет усулида босилди.
Формати — А-2,
4 босма тобок.
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида босилди.
Корхона манзили:
Тошкент, «Буюк Турон» кўчаси 41.

www.mahallagzt.uz
mahalla@sarkor.uz
mahalla.gz@rambler.ru

21030 нусхада чоп этилди. Буюртма
Г-354

Нашр кўрсаткичи: 148

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Ғамхўрликдан диллар завққа тўлади

У руш. Ўз номи билан совуқ. Келтирган офату хурфоти билан даҳшатли. Даҳшатлики, унинг жабридан жафо чеккан, юрагининг бир чети кемтик бўлган халқлар орасида биз ўзбеклар ҳам бормиз. У қора кўнлар гирдобини эсласам, кўзимга тўти-ёдек юртим — Ўзбекистон жоним қадар янада қадрлироқ, суюклироқ кўринаверади.

Бутун бахтли ва фаровон ҳаётда умргузаронлик қилмоқдамиз. Турмуш ўртоғим Турсуной билан 4 нафар ўғил ва 3 нафар қизни воёга етказдик. Фарзандла-

рим халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ишляшди. 27 нафар невава ва 15 нафар чеварам бор. Мустақиллик шарофати билан «Жасорат» медалига сазовор бўлдим. Президентимизнинг биз уруш қатнашчиларига кўрсатётган ғамхўрликларидан беҳад миннатдоримиз.

Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонига биноан уруш қатнашчилари ва ногиронларига юбилей медали ва пул мукофотининг берилиши биз фахрийларнинг кўнглини тодек кўтарди.

Айни чоғда ёшим 90 дан ошган бўлса-

да, жўшқин ҳаётдан узоқлашганим йўқ. Маҳалладошларнинг тўю тантаналарида иштирок этиб, ёшларга бутунги дориамон кўнларнинг қадрини юксак тутишни таъкидлайман. Ҳолимдан тез-тез хабар олиб турадиган «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг шаҳар бўлималари раислари Маматқул Иномов ҳамда Меҳрихон Умаровнинг таклифи билан шаҳримиз маҳаллаларида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашяпман. Муҳими, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари иштирокчиларининг сафида эканим билан фахрланаман.

Кўнгил кўнгилдан сув ичар

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди.

— Шундай дориломон кўнларга етгазганига шукр. Биз кексаларга яратиб берилган шароитлардан беҳад мамнунмиз, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Шамсиддин бобо Каримов. — Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонига биноан мен қатори уруш қатнашчилари ва ногиронларига юбилей медали ва пул мукофотлари берилгани ҳам биз фахрийларга юксак эҳтиром белгисидир. Бутунги учрашув кўнглимизга ёруғ туйғуларни олиб кирди. Айниқса, навқирон авлод вакиллари бўлган наби-рларимизнинг теран фикрлаши кўнглимизни тоғ қадар юксаттирди.

Фахрийларнинг доимий маскани бўлган пансионат атрофи ёшлар томонидан ободонлаштирилди, кўлакамзорлаштирилди, ариқлар чиқиндилардан тозаланди, кексалар ҳордиқ чиқарадиган ҳовли атрофига гул кўчатлари ўтказилди.

Асқар БЕККАМОВ

ЭЪТИРОФ



ҲАММАСИ Самарқанд ҳақидаги кўпқини эшитганимдан сўнг бошланди. Чунки Италияда Самарқанд ҳақида жуда кам билишди. Мен бу шаҳар ҳақида кўпроқ билишга қизиқдим. Интернет тармоғидан Самарқанд ҳақидаги маълумотларни изладим. Шу тариқа Ўзбекистонга бориш истаги туғилди.

Марказий Осиё мамлакатларига ўқитувчилар танлаш бўйича ўтказилган танловда қўлиб чиқдим ва ҳеч иккиланмай Ўзбекистонни танладим.

2008 йилдан буён Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида италян тили ва Италия маданиятидан дарс бераётиман. Икки йилдан буён Тошкент шаҳрида яшаб, бу юртини, унинг кўнгли очиб ва меҳмондўст халқини севиб қолдим. Дастлаб келганимда муомалада бироз қийинчиликлар бўлди. Ҳозир тилни ўргандим.

Ўзбекистон эртақлардагидек ажойиб мамлакат экан. Тошкент замонавий гўзал шаҳар. Бу ерда турли хил бинолар қурилиб, шаҳар қиёфаси янгиланиб бормоқда. Кенг, катта кўчалар, баланд, чиройли дарахтлар, кўркам хиёбонлар, майдонлар, театр, кинотеатрлар, кўрғазма заллари, ажойиб марказлар, архитектура ёдгорликлари, дўконлар, супермаркетлар, шарқона бозорлар — булар бари менга ёқди. Мен Тошкентни яна шунинг учун ҳам яхши кўраманки, унинг осмонидо доимо кўш бўлади. Бу кўш менинг қалбимга эзгулик ва

хурсандчилик олиб қиради.

Мен ишлаётган Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ҳамкасблар менга турли хил тадбирлар ўтказишда кўмаклашди. Талабалар ниҳоятда фаол, виждонли ва меҳнатсевар, билим олишга интилиши кучли, Италия маданияти ва санъати ҳақида кўпроқ билишга қизиқишади. Улар италян тилини қийналмай ўзлаштиришмоқда. Талабалар билан мулоқот чоғида шунинг италян тилини кўп асрилик тарихга эга Италия ва Ўзбекистон мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўйишни ниҳоятда истади. Ўзбекистон талабалари ўз мамлакатларининг келажақда тараққий этган буюк давлат бўлишига ишонади.

Бу юртда мени хайратга солган яна бир нарса — ўзбек маҳаллалари, у ерда одамларнинг жамоа бўлиб яшашидир. Ўзбек оилаларининг турмуш тарзи, одамларнинг бир-бирига ёрдам бериши, меҳр-оқибат кўрсатиши, ота-оналарнинг фарзандлари тақдирини тўғрисида қайғуриши каби қадриятлар, миллий урф-одатлар, байрамлар менга жуда ёқди. Ҳумас, бу юртда ўрганган бўладиган жуда кўп ўзига хос қадриятлар, ибратли тажрибалар бор.

Антоньетта ГОББИС,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари
университети ўқитувчиси.

РУХШУНОС МАСЛАХАТИ

Яхши исм — инсон кўрки

Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, суҳбат асносида бир-бирига исмларини айтиб мурожаат қилиш кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ришталарини мустаҳкамлайди. Зотан, инсонга ўз исми доимо ёқимли эшитилади.

Фарзандга чиройли исм бериш ота-онанинг бурчи. Исм қисқа, маъноли ҳамда чиройли талаффузга эга бўлиши лозим. Болага ўта жимжимодор исмлар бериш жоиз. Масалан, Мирдиҳирожа ўхшаши айрим исмлар кейинчалик талаффузда тўлиқ айтилмайди. Натижада Эдиқ, Миша, Дия, Гуля каби руҳиятимизга ёт номавр болаёладик, бу инсон маънавиятининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

Исмин тўлиқ ва раво айтиш керак. Чунки сўзларда бирорта товушни ўзгартириш унинг нафракат шакли, балки маъно жиҳатдан ҳам бузилишига олиб келади. Айтайлик, Тохир исми арабча бўлиб, «тоза», «доғсиз», «ғуборсиз», «гўзал» маъноларини англатади. Тойир шаклида айтилса, «учиш», «учмоқ» маъноларини, Тохир сўзи эса «бемаза», «аччиқ таъм» каби маъноларни ифодалайди.

Кўп ота-оналар исм танлаётганда унинг маъносига унчалик эътибор беравермайдилар. Ёқуб русларча Яков, қадим яҳудий тилидаги маъноси эса «бедаана», Мухийб — арабчада «қўрқинчи», «баҳайбат» («муҳиб» сўзининг маъноси бошқа, бу арабча «сеувчи», «дўст тутувчи» маъносидо) деганидир. Аслида ким ҳам фарзандига Фуркат — «айрилиқ», «фироқ», Жобир — «жабр қилувчи» исмларини раво қўради?

Она гўдагининг номини тўғри талаффуз қилиб ва қайноқ қалбидан айтган аллоси орқали унинг дилига ота-она меҳри, Ватан туйғуси ва муҳаббатини синдириб боради.

Демак, инсон руҳини шакллантириш оиладаги муҳитдан, унинг исмига ҳурматдан бошланади. Инсон ўз исмига бошқаларнинг жиддий қарашини ёшидан сезса, бу номини кенг маънода оқлашга бутун умрини фидо қилиб яшайди.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунос.

БИР ЎЛКАКИ...

Суви ҳам, ери ҳам мўъжизакор

Одатда, суратларда акс этган тоғу тошлар, табиат манзараларига ҳайратланиб қоламиз. Аммо юртимизда ҳали мусаввирлар ниҳоти тушмаган шундай бетакор манзиллар борки, уларнинг тасвирига ҳар қандай моҳир мусаввир ҳам журъат этиши қийин.

Шаҳрисабз туманининг тоғли Кўл ёки Гилон қишлоқларига олиб борадиган йўл бўйлаб юрсангиз, ҳудди тоғлар сизга йўл очиб бораётгандек туюлади. Яхшилаб рази солсангиз, тоғ-дарвозага кўзингиз тушади. Унга яқинлашганингиз сари қоялар орқада чеккина бошлайди. Ҳизр назар қилган юрт бу: суви ҳам, ери ҳам мўъжизакор. Неча юз минг йилларга гувоҳ тоғу тошлар вайрон билан эътиборингизни тортди. Табиатнинг мўъжизакорлигини қарангки, тоғ ён баирларида турфа хил гуллар худди кўл билан экиб қўйилгандек яшнаб, кўзларни қувонтиради. Гоҳ йўл бўйлаб, гоҳ тоғу тошлар оралаб оқадиган Оқсувдарёнинг ранги худди суддай. Оқсувдарё билан Тангчўш дарё туташган жойда яна бир мўъжизанинг гувоҳи бўласиз. Икки дарёнинг суви бир ўзанда бир-бирига қўшилиб, аралашмай оқади. Уларнинг қўшилиб кетмай, айрича оқилишни кўриб, табиатнинг ақл бовар қилмайдиган бу мўъжизасидан ҳайратланасан, киши.

Икки дарёнинг суви бир ўзанда бир-бирига қўшилиб, аралашмай оқади.

деҳқон ҳўжалиги бор. Картошка, буғдой етиштиришади. Шунинг орқасидан рўзгор тебратишади. Табиати ниҳоятда сўлим, мустаффо ҳаво, муздек булоқ сувлари, қорли, вайронли тоғлари, содда, бегубор умидлари... Бу гўшани тарқ эттингиз келмайди.

— Ёз ойларида бу жойлар сақдин бўлади. Қишда эса бир ярим метргача қор ёқади, — дейди қишлоқ врачлик пункти бош шифокори Рўзимуро Хуррамов. — Ҳавоси тоза, булоқлари бир манзилли бор, кўриб кетмасангиз бўлмайди, деб борган меҳмонни, албатта, ўша жойга таклиф қилишади. Ер сатҳидан анча баландда жойлашган Афросиёб деб

иши тушавермайди. Ўзлари табиб, қайси тиббх нимага даволигини яхши билишади.

Қишлоқнинг яна бир мўъжизаси бор. Бу жой тоғлиқларнинг гурури. «Бизнинг сирли бир манзилли бор, кўриб кетмасангиз бўлмайди», деб борган меҳмонни, албатта, ўша жойга таклиф қилишади. Ер сатҳидан анча баландда жойлашган Афросиёб деб



номланган тоғ чиндан-да тилсимли. Айтишларича, тоғ ниҳоятда чуқур бўлиб, ҳали унинг тубига инсон қадами етиб бормаган экан. Тоғ тубида табиатнинг ҳали инсон ўрганимаган қанча сир-асрорлари яширин. Унинг пастки қисмидан эса муздек булоқ суви оқади.

— 200 метргача кириб борганман, икки киши бемало юрса бўлади, — дейди Абдумалик Нафасов. — Бошқа қўлайликлари ҳам бор. Масалан тоқчалар, шам

қўйиш учун мосламалар.

Инсон қўли билан яратилган бу юртининг тепа қисми шудгорланган ер. Уни ҳайдаган пайтлар сопол буюмлар, кўза ва рўзгор ашёлари чиққан.

Ҳа, юртимизнинг тилсимли, табарруқ масканлари жуда кўп. Бу юртини, бежизга Оллоҳ назари тушган замин, дейишмайди.

Санобар БОЙМУРОДОВА,
«Mahalla» мухбири.

ИБРАТ КЎЗГУСИ

Бобохуросондаги «Боғи эрам»

Юнусали ота бизни очик чехра, хуш табассум билан кутиб олди: — Келинлар, келинлар!..

Дарвозадан кираверишда гуллар ораллига қўйилган курсиларда ўтириб, дуога қўл очдик. Кейин мезбон биз-

Ҳамюртимиз Юнусали ота яратган бу боғни бемало «Боғи эрам» деб аташа бўлади.

Болаар майдончаси ҳам ҳавас қилгудек. Бу ерда қишлоқ болалари учун турли ўйинлар ташкил этиши мумкин. Агар кимдир даракхта чиқмоқчи бўлса, марҳамат, олма даракhti устидаги саккиз кишилик айланадиган столда музқаймоқхўрлик қилса бўлади. Катталар эса бу пайтда шотут новдала-

ри беркитиб турадиган «Ёзги амфитеатр» остидаги чорпода роҳат қилиб суҳбатлашади. Агар меҳмонлар орасида шахмат ишқибозлари бўлса, шундоқ ёнтомондаги олма даракhti устидаги «Шахматчилар клуби»га чиқиб куч синалиши мумкин.

Сомонли лойда яхшилаб сувалган шиллапоялардан пастта, ариқ бўйлаб йўлакчага тушасиз. Чап соҳилдаги бу йўлакчадан атрофдаги гулларни, сувда надон эгаси тут шохларидан «ясади». Янги ўсиб чиққан новдаларни ота шунчалар санъаткорлик билан қирқиб, шакл берганки, шовилган одам бўлса, беҳосдан ўтириб олиши ҳеч гап эмас.

Болалар майдончаси ҳам ҳавас қилгудек. Бу ерда қишлоқ болалари учун турли ўйинлар ташкил этиши мумкин. Агар кимдир даракхта чиқмоқчи бўлса, марҳамат, олма даракhti устидаги саккиз кишилик айланадиган столда музқаймоқхўрлик қилса бўлади. Катталар эса бу пайтда шотут новдала-

ери мевали боққа айлантирган. Қиш бўйи сақланадиган боғ олмаларини бобохуросонликларгина эмас, бутун туман меҳнатқашларини билалдири. Яна юқориқоқ юрсангиз, бодомзор, ундан ҳам юқориқоқда эса ҳар бири ўрикдек келадиган қора гилос боғи бор.

— Инсоннинг қўли гул, деб бекорга айтмаган, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман кенташнинг раиси Мирқомил Эргашев. — Ҳамюртимиз Юнусали ота яратган бу боғни бемало «Боғи эрам» деб аташа бўлади. Бунинг учун у мустақил-гимизнинг дастлабки йилларидаёқ ишга киришган эди. Бу жойлар ташландик, тилкан босиб ётарди. Юнусали ота ўпан йиллар давомида ўйилари Алижон, Муроталилар ёрдамида кетмон билан шунча катта ишни амалга оширди. Бу она юртин, табиатта бўлган улкан муҳаббат бергисидир.

Юнусали отанинг асосий боғийга юқоридаги катта майдонда. Қўчма томошалар манежи, у билан ёнма-ён тикилган миллий дор, унинг остида симдор, турли оғирлиқдаги тошлар... Сал нариқоқда дор асла-

ҳалари ташиб юриладиган «Зил» русумли машина ва автобус маълум ва машҳур «Анджон самоси» ҳаваскор халқ дастасининг мулки ҳисобланади. Дунёга дония кетган Тошкенбевлар гуруҳига 14 ёшида қўшилган Юнусали Фозиев 1982 йилда Марҳаматга қайтиб, ўз гуруҳини тузди. Нафақага чиққанга қарамадан ҳозир ҳам халқ орасида томошалар кўрсатиб туради. Ўйилари Алижон ва Муротали фарзандлари билан ота касбини давом эттирмоқдалар. Наврўз айёмида андижонликлар ва меҳмонлар 10 кун давомида вилот марказидаги Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида Фозиевнинг томошаларини кўрдилар.

— Юнусали ота бизнинг фахримиз, — дейди Марҳамат туманидаги «Бобохуросон» маҳалласи оқсоқоли Содикжон Аминжонов. — Мен маҳалламизда бекор юрганларни Юнусали отага юбораман, бор, кишининг юрагидо нияти, билагидо қуввати бўлса, нимага қодир эканлигини кўрсан, дейман. Чунки у соғлом инсон нимага қодир эканлигини амалда кўрсатиб қўйди.

Катта ҳовли, Юнусали ота йиллар давомида яратган «Боғи эрам»нинг доимо озода, покиза ва файзли бўлишини рафиқаси Зухра хола, 2 келин ва набиралар тазминлаб туради. Пири бадавлат чол-камипирнинг 6 нафар қизи ва 2 нафар ўғилдан 23 невава ва 3 нафар чевараси бор. Ҳамма йилгандо Юнусали ота Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам, Лаос ва Камбоджа давлатларига гастролга борганларини айтиб беришни яхши кўради. Бунга жавобан набиралардан бири шу кунни биринчи марта симдорга чиқиб, бобонинг олқишини олади.

Ҳамюртимиз Марҳамат тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Хурсанали Султонов туман ҳокимлигида Юнусали отанин боғини янада кўркам қилиш ва унинг қадимий дорбозлик санъатини келажак авлодларга етказиш борасидаги ишларига кўмаклашиш учун махсус режа тузилганлигини айтди. Бу ишлар яқин ўртада бошланиб кетса ажаб эмас.

У.САКОНБОВ,
«Mahalla» мухбири.